O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ
2009 йил, 25 сентябрь, жума № 39 (2322). | Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
Пятница, 25 сентября, 2009 год, № 39 (2322). | Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу – цена договорная

БУГУНГИ КУНДА ТЎЛА ИШОНЧ БИЛАН АЙТИШ МУМКИНКИ, АРМИЯМИЗ ЖАҲОН ҲАРБИЙ ҚУРИЛИШИНИНГ ЭНГ ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРИНИ ЎЗИДА МУЖАССАМ ЭТГАН БЎЛИБ, АЙНИ ПАЙТДА МИЛЛИЙ ЖАНГОВАР АНЪАНАЛАРИМИЗНИ ЮКСАК САДОҚАТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВ БЎЙИЧА САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ БОШЛАНИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг конституциявий ваколат муддатлари 2009 йилнинг декабрь ойида тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида, яъни 2009 йилнинг 27 декабрь куни ўтказилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловни сайлов қонунчилиги, умумэътироф этилган халқаро нормалар ва стандартларга тўлиқ мувофиқ ҳолда ўтказилишини таъминлаш, шунингдек, сиёсий партиялар, фуқароларга давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда иштирок этиш конституциявий ҳуқуқини амалга оширишда зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига, Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуни 19-моддасига, Ўзбекистон Республикасининг "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуни 19-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси 2009 йил 22 сентябрдан бошланиши эълон қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи ҳар бир сайлов округига тўғри келадиган сайловчилар нормаси ўртача 127,5 минг сайловчи ҳисобидан белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи сайлов округлари тузилсин ва уларнинг чегаралари ҳамда сайловчилар сони кўрсатилган рўйхати 2009 йил 12 октябрига қадар эълон қилинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари 2009 йилнинг 18 октябрига қадар шакллантирилсин.

5. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари:

2009 йилнинг 28 октябрига қадар сайлов участкаларини;

2009 йилнинг 17 ноябрига қадар участка сайлов комиссияларини тузадилар.

6. Белгилаб қўйилсинки, белгиланган тартибда тузиладиган сайлов участкалари ва участка сайлов комиссиялари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов учун ягона ҳисобланади.

7. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ:

сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этиш учун тегишли ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига 2009 йилнинг 18 октябрига қадар тақдим этишлари лозим;

сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш 2009 йилнинг 23 октябрида бошланади ва 2009 йилнинг 11 ноябрида тугалланади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун сиёсий партиялардан ҳужжатлар қабул қилиш 2009 йилнинг 14 ноябрида тугалланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш 2009 йилнинг 21 ноябрида тугалланади;

манфаатдор ташкилотлар ўз кузатувчилари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларига 2009 йилнинг 11 декабрига қадар маълум қилишлари лозим.

(Давоми 2-бетда).



Кичик сержант Ахрор ОЧИЛОВ суратга олган.

Эр йигит — юрт таянчи

ШУ СОНДА

Марказий сайлов комиссиясида	2	Қалтис хато	10
Ҳаво-десант тайёргарлиги	4-5	Обнаружена планета, похожая на землю	11
Устувор мақсадга қаратилган	7	Уч ўлчамли «тирик» харита	16
Фаробий айтадики	8	Ҳарбий техника янгиликлари	17
Армиядан қайттач, ўқишини тиклай оладими?	9	Ишончни оқлаган истеъдодлар	18



5 МАШҒУЛОТ
УЛКАН МАҲОРАТ ВА БИЛИМ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ



8 ОИЛА ГУЛШАНИ
МЕҲР БУЛОҒИДИР БУ ГЎША



19 ҚУТЛУҒ АЙЁМ
ПРИВИВАЯ МЕТОДИЧЕСКИЕ НАВЫКИ



22 ЁЗГИ ОЛИМПИАДА
ТАЖРИБА ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ҒАЛАБАНИ ТАЪМИНЛАДИ

ЖАРАЁН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВ БЎЙИЧА САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ БОШЛАНИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

8. Участка сайлов комиссиялари:

сайловчиларнинг рўйхатларини ҳамма танишиб чиқиши учун 2009 йилнинг 12 декабрига қадар, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерларда тузилган сайлов участкаларида эса 2009 йилнинг 20 декабрига қадар тақдим қилади;

сайловчилар рўйхати билан танишиш жойи ҳамда вақти тўғрисида сайловчилар ўз вақтида хабардор қилинишини таъминлайди;

2009 йилнинг 17 декабрига қадар сайловчиларни овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида хабардор этади.

9. Қайд этилсинки, Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ:

сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади ва 2009 йилнинг 26 декабрида тугайди. Сайлов куни ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди;

овоз бериш 2009 йил 27 декабрь куни соат 6^{00} дан соат 20^{00} гача ўтказилади.

10. Белгилаб қўйилсинки, участка сайлов комиссиялари 2009 йилнинг 27 декабрь куни овоз бериш тугагач, овоз бериш якунларини чиқаришга киришади, комиссия мажлисида кўриб чиқиш натижалари бўйича баённома тузади ва уни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиясига тақдим этади. Сайлов қонунчилиги талабларига мувофиқ, баённома участка сайлов комисиясининг раиси ёки раис ўринбосари томонидан ўқиб эшиттирилади ҳамда мазкур баённоманинг кўчирма нусхаси участка сайлов комиссияси биносида ҳамма танишиб чиқиши учун 48 соатдан кам бўлмаган муддатга осиб қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари участка сайлов комиссиялари томонидан тақдим этилган баённомалар асосида сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлайди ва Марказий сайлов комиссиясига 2010 йилнинг 2 январига қадар белгиланган тартибда баённома тақдим этади.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ўтказилган сайлов якунлари тўғрисидаги ахборот ҳамда сайланган депутатларнинг рўйхати 2010 йилнинг 7 январига қадар матбуотда эълон қилинсин.

12. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуни 52-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини сайлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари янги сайланган депутатларининг тегишли қўшма мажлислари 2010 йилнинг 26 январидан кечиктирмасдан ўтказилиши маълумот учун қабул қилинсин.

13. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуни 47^{1}-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Конференцияси белгиланган тартибда 2009 йилнинг 27 декабрида ўтказилсин.

14. Белгилаб қўйилсинки, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, жойларда тузиладиган сайлов комиссиялари томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормалари, сайлов тўғрисидаги қонунларга, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2009 йил 12 майдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепция қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда амалга оширилади.

15. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

Марказий сайлов комиссияси
Раиси М. АБДУСАЛОМОВ.

Тошкент шаҳри,
2009 йил 17 сентябрь.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

17 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Марказий сайлов комиссияси Раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Маълумки, шу йилнинг декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг конституциявий ваколат муддатлари тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида, яъни 2009 йилнинг 27 декабрь куни ўтказилиши лозим.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси шу йилнинг 22 сентябридан бошланиши тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари кўриб чиқилди.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловга тайёргарлик кўриш бўйича участка сайлов комиссиялари ишини ташкил қилиш тартиби тўғрисида"ги, "Сиёсий партиялар томонидан имзо тўплаш ва имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганини текшириш тартиби тўғрисида"ги йўриқномалар, "Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш тартиби тўғрисида»ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши тартиби тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан қатнашадиган кузатувчилар тўғрисида"ги низомлар, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампаниясини ёритиш учун маҳаллий ва хорижий журналистларни аккредитациядан ўтказиш тартиби" ва бошқа зарур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тасдиқланди.

Марказий сайлов комиссияси котиби О.Соатов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича харажатлар сметаси лойиҳаси ҳақида ахборот берди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

***

Шу куни Марказий сайлов комиссияси матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланиши эълон қилиниши муносабати билан хорижий ва маҳаллий журналистлар учун брифинг ўтказилди.

Унда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Брифингда сўзга чиққан Марказий сайлов комиссияси Раиси Мирзо-Улуғбек Абдусаломов журналистларга "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида"ги қарор қабул қилингани ҳақида ахборот берди ҳамда ушбу қарорда кўзда тутилган асосий тадбирлар хусусида батафсил тўхталиб ўтди.

Брифингда Марказий сайлов комиссияси Раиси сайлов кампанияси доирасидаги барча тадбирлар Марказий сайлов комиссияси ва жойлардаги сайлов комиссиялари томонидан сайлов қонунчилиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепциянинг асосий принциплари ва талабларига қатъий амал қилган ҳолда ўтказилишини алоҳида таъкидлади. Фақат Марказий сайлов комиссиясигина сайлов кампаниясини ўтказишда асосий ташкил этувчи бўғин ҳисобланади ва ҳеч кимнинг бу жараёнга аралашувига йўл қўйилмайди. Сайлов кампанияси иштирокчиларининг биронтасига бирор-бир имтиёз ёки устунлик берилиши ман қилинади. Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг нормалари, талаблари ҳамма учун мажбурий ва бир хилдир.

Ҳеч кимнинг, аввалambор, марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг сайлов жараёнига аралашишига йўл қўйилмайди. Сайлов кампанияси жараёнига аралашиш, қонун ҳужжатлари талабларини четлаб ўтиш, бузиш мақсадида ҳар қандай уринишлар, аниқланган ҳомийлик ҳолатларига нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ қатъий чоралар кўрилади.

Брифинг иштирокчилари сўнгги пайтда қабул қилинган, сайлов тизимини янада эркинлаштиришга, партиялараро рақобатни ривожлантиришга қаратилган сайлов қонунчилигининг янги нормалари билан таништирилди.

Жумладан, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида содир бўлаётган реал жараёнларни эътиборга олган ҳолда, қонун ижодкорлиги савиясини, партиялар ва фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатимизни демократик янгилашдаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринлари сони 120 тадан 150 тага кўпайтирилди, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан депутатликка номзодлар кўрсатиш институти бекор қилинди. Натижада, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига фақат сиёсий партиялар эга бўлди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазиятни ҳамда одамлар саломатлигини яхшилаш учун курашиш масалаларининг ғоят муҳимлиги, яъни сиёсий қарашлари, шунингдек, мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бўлинишидан қатъи назар, уларнинг ҳал этилишидан жамиятимизнинг барча қатламлари манфаатдор бўлган муаммоларни эътиборга олган ҳолда, янги қонунга кўра, 15 та депутатлик ўрни Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланадиган депутатларга берилади.

Қонунчиликка сиёсий партияларнинг ваколатли вакили институти киритилди, унга сайлов участкаларида овозларни санаб чиқишда, имзо варақалари тўғри тўлдирилганини текширишда қатнашиш ҳуқуқи берилди. Депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари сони 5 нафардан 10 нафарга кўпайтирилди. Қонун ҳужжатларига сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича фаолиятида ошкораликни кенг таъминлашга қаратилган нормалар киритилди.

Марказий сайлов комиссияси Раиси брифинг иштирокчиларини бўлажак сайловга тайёргарлик кўриш борасида амалга оширилган ишлар билан таништирди. Хусусан, сайловчиларга сайлов қонунчилигининг асосий қоидаларини тушунтириш ва уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилди. Олимлар, экспертлар ва амалиётчи ходимларнинг оммавий ахборот воситаларида чиқишлари уюштирилди, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирокида ўнлаб давра суҳбатлари, илмий-амалий семинарлар ўтказилди.

М.Абдусаломов журналистларга шу йилнинг июнь-сентябрь ойларида Тошкент, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида Марказий сайлов комиссияси томонидан ташкил этилган ҳамда демократик сайлов ўтказиш халқаро стандартлари, миллий сайлов қонунчилигини ривожлантириш ва такомиллаштириш, сайлов жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ўрни, сайлов кампаниясининг очиқ ва ошкоралигини таъминлаш масалаларига бағишланган халқаро конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатлари ҳақида ахборот берди. Ушбу тадбирларда АҚШ, Германия, Буюк Британия, Россия, Украина, Хитой, Ҳиндистон, Япония, Туркия, Покистон ва бошқа мамлакатлардан халқаро экспертлар, олимлар ва мутахассислар иштирок этди. Анжуманларда иштирок этган хорижий экспертлар таъкидлаганидек, Ўзбекистон сайлов қонунчилиги умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқий нормалар ва демократик стандартларга тўла мос келади.

Брифингда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар календарь режасининг асосий саналари маълум қилинди.

Марказий сайлов комиссияси Раиси пировардида Ўзбекистонда эркин, адолатли ва демократик сайловнинг очиқ ва ошкора ўтказилишини таъминлаш учун барча зарур ҳуқуқий асослар яратилганини таъкидлади.

(ЎзА).

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик гуруҳлари раҳбарларига ёрдам

ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилнинг 17 июлида бўлиб ўтган мажлисида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари кўриб чиқилди ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этиш, мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари, Инқирозга қарши чоралар дастури амалга оширилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Вазирлар Маҳкамаси мажлиси материаллари ҳар биримизни Инқирозга қарши чоралар дастури самарали ишлаётгани, Ўзбекистон Республикаси инқироз сабабли келиб чиққан ва иқтисодиётимизга ўз салбий таъсирини кўрсатаётган бир қатор омилларга қарамай, иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ривожланишини сақлаган ҳамда жиддий салбий оқибатлардан қутулиб қолган ҳолда барқарор ривожланишда давом этаётганлигига ишонтиради.

Биринчи ярим йилликнинг асосий кўрсаткичлари ҳам шундан далолат бериб турибди. Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши ўтган йилнинг шу даври билан таққослаганда 8,2 фоизни, саноат ишлаб чиқариш ҳажмлари 9,1 фоизни ташкил этди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 13,1 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 4,6 фоиз ортди, жорий йилда мисли кўрилмаган ҳосил – 6 млн 610 минг тонна ғалла маҳсулотлари йиғиб олинди. Қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиши 32,5 фоизга, хизматлар кўрсатиш 18,5 фоизга ошди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз миқдордаги профицит билан ижро этилди. Аҳолининг реал даромадлари ўсиши 25,9 фоизни ташкил этди.

Бу кўрсаткичлар иқтисодиётимиз жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитларида ҳам соғлом ривожланаётганининг ёрқин исботидир.

Президентимиз Ислом Каримов ўзининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобида мамлакатимиз ва дунё ҳамжамияти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қатор хулосаларини баён этган. Келинг, уларнинг баъзиларига Инқирозга қарши чоралар дастури нуқтаи назаридан қарайлик ва унинг ҳаётий зарурати ҳамда дунёвий аҳамиятини яна бир бор таъкидлайлик.

Биринчи. Юртбошимиз инқироз жараёнлари кўламининг улканлигига эътиборимизни қаратади. Демак, молиявий-иқтисодий инқироз мамлакатимизга ҳам ўз салбий таъсирини ўтказади. Асосини ўз салоҳият ва кучимизга таяниш ташкил этувчи Инқирозга қарши чоралар дастурининг зарурати ҳам шундан келиб чиқади. **Бугунги кунда дунё ҳамжамияти шуни тан олмоқдаки, Ўзбекистон асосан ўзининг хусусий молиявий манбалари ва ресурсларига таянади ҳамда бу билан мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлайди.**

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида ҳозирги жаҳон иқтисодий инқирози шароитларида бизга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, кўплаб турдаги экспорт маҳсулотларига бўлган талаб ва нархлар кескин пасайган бир пайтда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларига бўлган ички талабни, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани, уй-жой қурилиши, хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастурларини амалга ошириш иқтисодиёт барқарорлигини қўллаб-қувватлашнинг муҳим омилига айлангани алоҳида таъкидланди.

Иккинчи. Инқироз жаҳон молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлиги ва ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини, банклар фаолияти устидан давлат томонидан назоратни кучайтириш лозимлигини тасдиқлади. Юртбошимиз китобида тўғри таъкидланганидек, банклар асосан ўз норматив манфаатларини кўзлаб иш юритиб келган, кредит ва қимматбаҳо қоғозлар бозорларида турли спекулятив амалиётларга берилиб кетган. Бунга зид равишда, мамлакатимизда банклар фаолияти доимо давлатимиз раҳбарияти диққат марказида бўлиб келган. Инқироздан анча аввал, айтиш мумкинки, 2000 йилдан бошлаб давлатимизнинг асосий эътибори тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва капиталлашув даражасини оширишга қаратилди. Бунинг натижалари эса яққол кўриниб турибди. 2008 йилда, яъни инқироз даври шароитларида, бизнинг **13 та тижорат банкимиз халқаро «барқарор» рейтинг даражасига сазовор бўлди.**

Молиявий тизимимиз мустаҳкамлиги ва барқарорлигини тасдиқлаш учун шундай мисол келтириш мумкин. Британиянинг йирик банкларидан бири бўлган «Роял банк оф Скотланд» молиявий ҳолати ёмонлашгани сабабли ўзининг бир қатор чет эл бўлимларини ёпишга мажбур бўлди. «Роял банк оф Скотланд» билан қўшма ўзбек банки эса «Евромания» халқаро молиявий нашри томонидан етакчи банклардан бири, деб топилди. Буларнинг барчаси мамлакатимиз банк-молия тизимининг ишончлилиги, мустаҳкам ва барқарорлиги, оддий фуқаролар учун ҳам, хорижий сармоядорлар учун ҳам жозибадорлигидан далолат беради.

Учинчи. Молиявий-иқтисодий инқирознинг ҳар қайси давлатдаги миқёси, кўлами ва оқибатлари қандай бўлиши, аввало, ана шу давлатнинг молия-валюта тизими нечоғлик мустаҳкам эканига, миллий кредит институтларининг қай даражада капиталлашуви ва ликвидлиги (тўлов имконига), уларнинг чет эл ва корпоратив банк тузилмаларига қанчалик қарам эканига, шунингдек, олтин-валюта захирасининг ҳажми ва хорижий кредитларни қайтариш қобилиятига боғлиқ. Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, 2009 йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакатимиз банк тизимининг умумий капитали 1,5 баробарга ошди ва 2009 йилнинг 1 июлига келиб 2 триллион 335 млрд. сўмни ташкил этди. Капиталнинг етарлилик даражаси 23,4 фоизга етди, бу эса халқаро Базель қўмитаси талаблари асосида белгиланган халқаро стандартлардан қарийб уч баробар кўпдир. Банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги 1,7 млрд. доллардан ортиқ бўлиб, бу ташқи қарзлар бўйича тўловлар ҳажмидан 10 баробар кўп демакдир.

Яқинда мамлакатимизга ташриф буюрган Халқаро валюта жамғармаси ижрочи директори жаноб Доминик Стросс-Канн **«Ўзбекистон танлаган ислоҳотлар йўналиши бошқа давлатларга нисбатан ўзининг афзалликларини намоён этганлиги, Ўзбекистон банк тизимига жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ўз салбий таъсирини кўрсатмаганлиги, мамлакат банклари барқарор фаолият юритаётганлигини»** таъкидлади. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, Ўзбекистон молия-банк тизими бошқа давлатлар учун модель, намуна бўлиб хизмат қилиши **мумкин.**

Тўртинчи. Инқирозга қарши чоралар механизмида мамлакат иқтисодиётини диверсификация қилиш, унинг барқарорлиги, рақобатбардошлиги, инновацион технологияларни ўзлаштириб бориши масалалари алоҳида ўрин эгаллайди. Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, Юртбошимиз томонидан ушбу масалаларга қаратилган доимий эътибор натижасида Ўзбекистон мустақиллик йиллари мобайнида дунё иқтисодиётига интеграциялашиб борди, жаҳон бозорларига яқин ўтмишда бўлгани каби нафақат хом ашё, балки тўқимачилик, кимё, автомобиль саноатининг, қурилиш индустриясининг тайёр маҳсулотларини, кабель-ўтказгич товарлари ва кенг кўламдаги озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериб, ундан муносиб ўрин эгаллади. Республикамизнинг ташқи савдо айланмаси фақат сўнгги уч йил ичида 2,2 баробарга ошди ва 2008 йил охирига келиб 21,2 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ва диверсификациялаш жараёни, унга инновацион технологияларни кенг татбиқ этиш ишлари жорий йилда ҳам фаол давом этмоқда. Ярим йиллик мобайнида республика иқтисодиётининг устувор тармоқларида 667 та ишлаб чиқариш ва инфратузилма инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. 2009 йилнинг биринчи ярим йиллигида 193 та янги ишлаб чиқариш объекти, шу жумладан, енгил саноатда ва тўқимачилик тармоғида 32, озиқ-овқат саноатида 67, қурилиш материаллари саноатида 78 та объект ишга туширилди.

Аҳолининг иш билан бандлиги даражасини ошириш энг муҳим ва асосий устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳисобот даврида 534,6 мингта, шу жумладан, қишлоқ жойларда 328 мингта янги иш ўрни, корхоналар билан кооперация асосидаги касаначилик соҳасида 52 мингта иш ўрни ташкил этилди. Бу дунёнинг кўплаб мамлакатларида кундан-кунга ошиб бораётган ишсизлик ва кучайиб бораётган ижтимоий изтироблар шароитида жуда муҳим бўлган кўрсаткичдир.

Бешинчи. Жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини енгиллаштириш кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти миқёсида қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бир-бири билан уйғунлигига боғлиқ, деб таъкидлайди Юртбошимиз. Бу ерда шуни айтиш лозимки, мамлакатимиздаги ушбу уйғунлик Президентимизнинг ташкилотчилик қобилияти ва прагматизми туфайли бутун дунё мамлакатлари учун намуна бўлди.

Инқирозга қарши чоралар дастурида Вазирлар Маҳкамаси ва Олий Мажлисдан тортиб корхоналаргача бўлган вертикал бўйича барча ташкилий ишлар барча майда тафсилотларигача чуқур ўйлаб чиқилди, жойларда ишни қандай ташкил қилиш лозимлиги, асосий куч ва эътиборни нималарга қаратиш зарурлиги кўрсатиб берилди. Давлат тузилмалари, сиёсий партиялар, жамоатчилик ташкилотлари ва халқимизнинг барча кучи Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган вазифаларни ҳал этишга сафарбар қилинди. Ва ушбу сермашаққат ишда,таъбир жоиз бўлса, **умуммиллий изланишда** ислоҳотчи-давлатнинг раҳбарлик роли яна ва яна бир бор таъкидланди, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник жиҳатдан янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш, кадрлар тайёрлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ижтимоий соҳадаги энг муҳим вазифаларни ҳал этишда давлат томонидан бошқарув зарурати ва унинг ташкилотчилик роли исботланди.

Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишнинг аҳамияти ва ҳозирда содир бўлаётган воқеалар кўламини чуқур англаб етиш учун шуни унутмаслик керакки, ижтимоий ҳаётимизнинг барча томонларини тубдан модернизациялаш бугун бошланган иш эмас. Унга мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ асос солинган. **Эндиликда фоизлар билан ўлчаб бўлмайдиган, ана шу модернизация туфайли халқимизда туғилган юксак маънавий фаоллик, жамиятимиз барча қатламларининг бирлиги ва уюшқоқлиги муҳити бизга катта қувонч бахш этади ва бу нафақат жаҳон инқирозига қарши туришда маънавий асос, балки белгиланган мақсадлар сари олға боришимизда тезлаштирувчи омил бўлди.**

Жаҳон ҳамжамияти томонидан бу борада қабул қилинаётган чоралар уйғунлигига келсак, ҳозирча улар етарли самара бераётгани йўқ. Тўғри, «Катта саккизлик» давлатлари раҳбарларининг сўнгги учрашувида инқироздан аста-секин чиқиб борилмоқда, деган фикр ҳам билдирилди. Бироқ инқироз узил-кесил бартараф этилмагани ва ҳали қувонишга эрта эканлигини тушуниш учун сайёрамизнинг турли минтақаларидан бизга етиб келаётган кундалик ахборотларга эътибор қаратишнинг ўзи етарли. Ҳозирда ишлаш, инқироздан чиқишнинг янада таъсирчан, амалий йўлларини излаш лозим. XX аср охирларидаёқ машҳур австриялик иқтисодчи-олим профессор Отмар Корен «Фақат ижтимоий бозор хўжалигининг ижобий тажрибасини қўллашгина ривожланишнинг асоси бўлиши мумкин», деб ёзган эди. Бугунги кунда Ўзбекистонда бундай тажриба тўпланган. Олимлар, мутахассислар бу тажрибани чуқур ўрганиш зарур, деб ҳисоблайдилар. Масалан, Европа халқаро муносабатлар институти вакили Жеральд Лофтус Ислом Каримовнинг китоби ҳақида гапирар экан, **«Ишончим комилки, китобда глобал инқироз оқибатларини юмшатиш бўйича баён этилган стратегия кўплаб мамлакатлар учун фойдали бўлади»,** деб таъкидлайди. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси ректори Виктор Гришин ҳам **«Ўзбекистон барқарор ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришда чинакам ноёб тажрибага эга ва бу жиддий ўрганишни талаб этади»,** деб фикр билдиради.

Маълумки, жаҳон инқирози алоҳида давлат ва сиёсат арбоблари, молиявий тузилмаларнинг хатолари натижасида юзага келган эмас (баъзи хатоларни инобатга олмаганда). У жаҳон иқтисодиёти ва молия тузилмаларининг ҳали XX асрдаги фаолияти даврида риоя этиб келган эски кўрсатмалар асосида ривожланиши натижасида юзага келди. Келажакда янги ижтимоий-иқтисодий ларзаларга йўл қўймаслик учун асосни, пойдеворни тубдан ўзгартириш зарур. Ўзгаришлар йўлини эса Юртбошимиз аниқ кўрсатиб берди. Инқирознинг давоси, образли айтганда, ўзи эшикни қоқмоқда.

Бутун халқимиз каби, ҳарбий хизматчилар ҳам мамлакатимизни ривожлантиришнинг ярим йиллик якунларини кўтаринки руҳ билан кутиб олдилар. Улар бу ютуқлар мустақил Ватанимиз гуллаб-яшнаши, унинг иқтисодий қудрати ва халқ фаровонлигини ошириш йўлидаги умуммиллий курашимизнинг дебочаси эканлигига, инқирозга қарши чораларни амалга ошириш мамлакатимизга нафақат жаҳон инқирозининг таҳдидлари ва хавфига муносиб қаршилик кўрсатиш имконини беради, балки янгиланиш, тараққиёт ва фаровонлик йўлидан ишонч билан олға боришимиз учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади, деб ишонадилар.

Анфим ХЛИЗОВ.

МАШҒУЛОТ

Ҳаво-десант тайёргарлиги

УЛКАН МАҲОРАТ ВА БИЛИМ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ

Мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, тинчлигимизни таъминлаш йўлида хизмат бурчларини фидойиларча ўтаётган ҳарбийларимиз айни кунларда дала-ўқув машғулотларини юксак даражада ўтказишиб, билим ва маҳоратларини шакллантиришмоқда. Янги ўқув йили режасига асосан дала-ўқув машғулотлари негизида ҳаво-десант тайёргарлиги ҳам кенг кўламда олиб борилаяпти.

Ҳаво-десант тайёргарлиги ўқув майдончасида бўлганимизда ҳарбий хизматчилар парашют билан сакраш жараёнига пухта тайёргарлик кўришаётган экан.

– Қуролли Кучлар миқёсида ўтказилаётган ҳаво-десант тайёргарлиги машғулотларидан кўзланган асосий мақсад посбонларнинг бу борадаги билим ва маҳоратини янада юксалтириш, тажрибасини ошириш, профессионаллашувига замин яратишдан иборат, – дейди машғулот раҳбари офицер Шавкат Мамажонов. – Ҳарбийларимиз бир неча кун давомида сакрашни амалга оширишиб, жанговар шайликлари, тайёргарликлари қай даражада эканлигини намойиш этишади.

Ўқув майдончасида ҳарбий хизматчилар парашют билан сакрашгача бўлган барча жараённи малакали офицер ва йўриқчи кичик командирлар томонидан ўтказилаётган назарий, амалий машғулотларда пухта ўрганиб, жангавор вазифани муваффақиятли бажаришга интилишаяпти.

– Олдимизга қўйган асосий мақсадимизга эришмоқдамиз, – дейди офицер Фарҳод Рустамов. – Ҳаво-десант тайёргарлиги бўйича барча шароитлар яратилган. Моддий-ўқув база етарли жиҳозлар, техникалар билан таъминланган бўлиб, посбонларга ҳам назарий, ҳам амалий машғулотлар тажрибали йўриқчилар томонидан юксак савияда олиб борилмоқда.

Парашют билан сакраш машқи посбоннинг жанговар шайлиги, маҳоратини оширишда асосий омиллардан ҳисобланади. Буни инобатга олган машғулот раҳбарлари парашютни тахлаш ва уни сакрашга тайёрлаш, самолётга чиқиш ва жойлашиш ҳамда хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш, самолётдан чиқиш, ҳавода бажариладиган усуллар, ерга хавфсиз ва тўғри тушиш, белгиланган вақт ичида парашютни йиғиб, муайян ҳудудга гуруҳ билан бирга етиб келиш бўйича ҳаво-десант тайёргарлиги шаҳарчасида ўтказаётган машғулотлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Парашютни сакрашга тайёрлаш жараёни олти босқичдан иборат бўлиб, буни мукаммал эгаллаган, мустақил равишда бажара олган ҳамда ерда амалга ошириладиган элементларни муваффақиятли уддалаган посбонларгина сакраш машқида иштирок эта олади. Шунингдек, уларнинг жисмоний ва руҳий тайёргарлиги, саломатлиги ҳам инобатга олинади. Албатта, парашют билан сакрашга барча қизиқади. Бироқ бунинг учун посбон ҳар томонлама тайёр, билим ва маҳорати юксак бўлмоғи лозим. Шу боис ҳарбий хизматчилар парашют билан сакрашгача ўтказилаётган машғулотларга жиддий эътибор беришиб, тажрибаларини янада ошириб боришяпти.

– Бундайин машғулотларда кўп бора қатнашганман, – дейди кичик сержант Жўрабек Маҳмудов. – Хизматим мобайнида юздан зиёд сакрашни амалга оширганман. Шундай бўлсада, ҳар сафар машғулотларга жиддий ёндашиб, йўриқчилардан янада кўпроқ нарсани ўрганишга интиламан. Чунки парашютни сакрашга тайёрлаш, машқни муваффақиятли бажариш анчайин мураккаб жараён бўлиб, посбондан доимий ўқиб-ўрганиш, изланишни талаб этади.


(Давоми 5-бетда).



МАШҒУЛОТ

(Давоми. Боши 4-бетда).

...Эрта тонг. Десантчилар парашют билан сакрашни амалга ошириш учун майдонда саф тортишди. Малакали йўриқчилар уларнинг тайёргарлиги ва парашютларини яна бир бор текширишиб, зарур кўрсатмаларни беришди. Шундан сўнг, барча самолётга чиқишга тайёргарлик кўра бошлади. Тайёргарлик жараёнида йўриқчи-мутахассислар десантчиларнинг бортга чиқиш ва белгиланган жойларига бориб ўтиришлари ҳамда чиқарувчи томонидан парашют карабинларини троссга илмагунга қадар ортиқча ҳаракат қилмасликлари тўғрисида яна бир бор тушунчалар бериб ўтишди. Шунингдек, сакрашга тайёрланиш ва самолётдан чиқиб кетиш вақтида хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилишлари уқтирилди. Ниҳоят, мусаффо осмонда ИЛ-76 ҳарбий «ҳаво кемаси» кўринди. У ерга қўнганидан сўнг, ҳарбий учувчилар самолётнинг тайёрлиги тўғрисида ахборот беришди. Йўриқчи-мутахассислар бортни текширишиб, сакрашни амалга оширишга тайёр эканлигини маълум қилишганидан кейин, посбонлар бирин-кетин ҳаво лайнерига чиқишди ва ўз жойларини эгаллашди. Десантчиларнинг парашютлари карабинлари кўздан кечирилиб, уни қоидаси бўйича илдириб чиқишди ва машғулот раҳбарига бу ҳақда ахборот беришди. Десантчиларга яна бир бор сакраш жараёни ҳақида амалий тушунчалар бериб ўтилди. Бунда машғулот раҳбарининг ҳар бир сўзини учувчилар амалий тарзда кўрсатиб туришди. Шундан сўнг, «ҳаво кемаси» осмонга кўтарилди. У 800 метр баландликка кўтарилганидан сўнг, шамолнинг йўналиши ва тезлигини аниқлаш мақсадида, аввал бортдан икки тажрибали десантчи чиқарилди. Маълум вақт ўтганидан кейин, ердаги кузатувчилар десантчиларнинг белгиланган ҳудудга тўғри тушишгани ва сакрашни амалга ошириш мумкин эканлиги ҳақида маълумот беришди. «Тайёрлан!», сигнали янграши билан десантчилар ўрниларидан туриб, сакрашга шай туришди. Сакрашга буйруқ сигнали янграши билан посбонлар бирин-кетин самолётдан сакрай бошладилар. Бу манзараларни кузатиб, юрт ҳимоячиларининг қанчалик мард ва жасур эканликларига яна бир бор амин бўлдик. Десантчилар тажриба ва маҳоратларини намойиш қилишиб, ерга



муваффақиятли тушишди. Албатта, ерга хатосиз тушиш десантчидан етарли тажрибани талаб этади. Бунда шамолнинг йўналиши ва тезлигини инобатга олиш, ерга хавфсиз тушишни таъминлайди. Десантчилар ерга тушишлари биланоқ, парашютни йиғиштириб, қурол-аслаҳа ва бошқа воситаларнинг жойида эканлигини текширишди ҳамда гуруҳлари билан биргаликда белгиланган нуқтага етиб келишди. Машғулот раҳбари уларни муваффақиятлари билан табриклаб, навбатдаги вазифаларни белгилаб берди.

– Бугунги сакраш муваффақиятли ўтди, – дейди кичик сержант Азамат Эсонов. – Албатта, бу менинг биринчи бора парашют билан сакрашим эмас. Шундай бўлсада, ҳар сафар бу жараёнга масъулият билан ёндашиб, йўриқчи ва мутахассислар маслаҳатига риоя қиламан. Кейинги сакраш қурол-аслаҳа ва юклар билан амалга оширилади. Бу десантчидан янада улкан маҳорат ва билим талаб этади.

Машғулот раҳбарининг таъкидлашича, десантчилардан офицерлар – Санжар Ўроқов, Худоёр Аноров, Абдуқодир Аноров, сержантлар – Рустам Нуралиев, Сарвар Ғаниев, Исмоил Усмонов, кичик сержантлар – Темур Саидов, Маъмур Мелиев, шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар, оддий аскарлар – Мурод Олқосимов, Нўмон Аҳмадалиев, Ғолиб Ураимов, курсантлар – Хуршид Шерматов, Ойбек Рўзимуродов, Марат Абдуазизов, Шуҳрат Рўзиматов кабилар сакрашни муваффақиятли амалга оширишиб, илғорлар сафидан жой олишди.

Биламизки, ҳарбийлик касбига меҳр қўйган, Ватанни ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилган ҳарбий хизматчилардан матонат ва фидойилик, мардлик ва садоқат, кучли ирода ва шижоат талаб этилади. Парашют билан сакраётган посбонлар қалбида шундай туйғулар мужассам эканлиги бизни янада қувонтирди.

Кичик сержант Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Муаллиф суратга олган.

















КВАЛИФИКАЦИЯ

Сбор механиков-водителей инженерных машин

В ИНТЕРЕСАХ ОБЕСПЕЧЕНИЯ БОЯ

В современном бою вклад подразделений обеспечения в общую победу невозможно переоценить. В этом плане сбор механиков-водителей инженерных машин, проходящий в эти дни на базе Школы подготовки сержантов Центрального военного округа, имеет большое значение для повышения квалификации личного состава.

В первую неделю основной акцент был сделан на теоретических занятиях в классах цикла инженерного обеспечения ШПС ЦВО. К проведению лекций привлекались наиболее опытные преподаватели СВВАКИУ и ШПС.

Так, о правилах эксплуатации инженерной техники, использования моторесурса, оформления документации и общем устройстве рассказал старший преподаватель ФПК СВВАКИУ подполковник Эркин Мирахмедов. Этот офицер имеет богатый опыт службы в инженерных подразделениях, позволяющий ему подкрепить каждое теоретическое положение примерами из личной практики.

С объемом работ, выполняемых при техническом обслуживании инженерных машин, ознакомил участников сбора начальник цикла ШПС ТВО подполковник Жалил Янгиев. По словам офицера, живое общение с сержантами из войск помогает и преподавательскому составу Школы вносить нужные коррективы в учебные планы и программы, исходя из меняющейся обстановки.

О работе силовой установки, правилах ухода за системами питания воздухом, охлаждения и подогрева, рассказал преподаватель СВВАКИУ майор Тура Нормуродов.

В перерыве между занятиями удалось побеседовать с прибывшими на сбор военнослужащими.

– Я уже двенадцать лет прохожу службу в инженерном подразделении, – говорит командир секции младший сержант Канжарбай Турдимурадов, приехавший из Северо-Западного военного округа. – Однако и мне раньше не доводилось увидеть в полном объеме работу различных инженерных машин. Здесь же, на сборе, мы не только видим эти машины, но и получаем большой объем знаний и практических навыков работы на них.

Помимо чтения лекций, участникам сбора ежедневно показывали учебные видеофильмы по основным пройденным темам. Конечно, немало военных профессионалов, прибывших сюда, имеют за плечами большой опыт практической деятельности. Однако и они с усердием изучают требования курса вождения инженерных машин, который был составлен в ходе проведения большого показательного занятия, проведенного в 2007 году.

– Нам также приятно, что с нами проводят занятия не только офицеры Школы подготовки сержантов, но и СВВАКИУ, – говорит младший сержант Алижон Болбеков, прибывший из Юго-Западного особого военного округа. – Это еще раз подтверждает ту истину, что качеству подготовки водительского состава уделено не меньше внимания, чем обучению будущих офицеров.

Темы занятий сугубо специфичны: составные части, трансмиссии, порядок проверки состояния бортовых передач, ведущих мостов, карданных валов, кинематическая схема ходовой части и так далее. И наставники только рады, когда после занятия механики-водители буквально засыпают их вопросами. Значит, лекция вызвала интерес, дала импульс к обретению новых знаний.

Участникам сбора были показаны также элементы оборудования инженерного городка части, новейшие средства разведки, обнаружения и разминирования.

– Будет, о чем рассказать сослуживцам, – делится впечатлениями младший сержант Джамшид Зияратов из Восточного военного округа. – Посоветуемся с командованием, может быть, отдельные элементы оборудования инженерного городка сможем использовать в наших условиях.

Не случайно каждый участник сбора тщательно делает записи и пометки в рабочей тетради. Ведь кроме обязательной сдачи зачетов эти знания и навыки еще не раз будут успешно применены в ходе повседневной службы.


В инженерном городке СВВАКИУ показательные практические занятия проходили под командованием начальника кафедры СВВАКИУ подполковника Олима Боймуродова. Причем участники не только смотрели в деле инженерную технику, но и сами реально занимались ее обслуживанием. Например, уже знакомый нам младший сержант Алижон Болбеков вместе с рядовым по контракту Рустамом Хаитовым из Центрального военного округа отработали навыки по натяжению гусениц быстроходной траншейной машины БТМ-3. А младший сержант Зафар Кадыров показал, как правильно выполнять натяжку ремня вентилятора.

Неподдельное восхищение вызывает у всех БАТ-2: бульдозерный артиллерийский тягач. И когда командир понтонной секции младший сержант Одил Муминов приглашает сесть в кабину, сразу возникает живая очередь. Ведь далеко не часто выпадает шанс изнутри наблюдать вождение этой грозной машины, предназначение которой – прокладывать путь войскам в любом бездорожье.

В огромном ангаре, где укрыты машины кафедры, расположены и тренажеры. Работу одного из них, имитирующего работу водителя экскаватора, показали участникам сбора.

Одним словом, эти две недели будут наполнены напряженной боевой учебой. А венчает ее практическое вождение инженерных машин на полигоне военного округа. После чего механики-водители опять разъедутся по войскам, вооруженные новыми знаниями и навыками, которые позволят поднять на новый уровень инженерное обеспечение боя.

Майор Анвар КАСЫМОВ.
Фото **автора.**



Для вас, офицеры-артиллеристы!

ЗАДАЧИ 7-Й СЕРИИ

ЗАДАЧА № 1

Дальность определена с помощью дальномера по результатам четырех измерений Хср=1600 м. Определить срединную ошибку среднего результата, если срединная ошибка дальномера 20 м.

ЗАДАЧА № 2

В батарее 122-мм ГД-30 с помощью АБС проведен сострел орудий на заряде уменьшенном, партией заряда 2–73–69 перед сострелом орудий с помощью ПЗК измерены длина зарядных камор орудий: 1-го орудия 617 мм, 2-го орудия 635 мм, 3-го орудия 609 мм, 4-го орудия 608 мм. Известна длина зарядной каморы всех орудий, взятая из формуляра 595 мм. Определено суммарное отклонение начальной скорости снарядов: 1-го орудия – 1,6%, 2-го орудия – 2,8%, 3-го орудия – 1,3%, 4-го орудия – 1,5%.

По таблице стрельбы определены отклонения начальной скорости снарядов из-за износа канала ствола орудий с помощью ПЗК 1-го орудия – 1,1%, 2-го орудия – 2,0%, 3-го орудия – 0,8%, 4-го орудия – 0,7%.

Определить:

1. Удлинение зарядных камор орудий после сострела.
2. Отклонение начальной скорости снарядов из-за свойств партии зарядов.
3. Среднее значение отклонения начальной скорости снарядов из-за свойств партии зарядов.
4. Для каждого орудия уточненное значение отклонения начальной скорости снарядов из-за износа канала ствола и уточняющую поправку к данным ПЗК.
5. Поправку на разнобой орудий батареи относительно основного орудия.

ЗАДАЧА № 3

Колонна артиллерийского подразделения двигается со средней скоростью 35 км/час по холмистой местности. Протяженность пройденного колонной маршрута, измеренная на карте масштаба 1:200000, оказалась равной 132,0 см. Определить фактическую протяженность маршрута и время, затраченное колонной на его преодоление.

ЗАДАЧА № 4.

Батарея 122-мм. Гаубиц Д-30 позывной «Шер» заняла боевой порядок Х=19650, У=54780, высота 165 м, ОН=44–00, в батарее рассчитаны поправки заряд второй на 6 км: +240 м, -0–06; 8 км: +320 м, -0–08; 10 км: +420 м, -0–10. Батарее для разведки целей и обслуживания стрельбы придана РЛС ПСНР-5, позывной «Лочин», координаты позиции Х=19185, У=50605, высота 170 м.

Провести пристрелку с помощью РЛС цели 101-й, пехоты укрытой Х=20380, У=46620, высота 195.

Доклад начальника РЛС:

1. «Шер». Есть разрыв 47–58, 3870 м.
2. «Шер». Есть разрыв 47–60, 4000 м.
3. «Шер». По центру 47–84, 4110 м.

ОТВЕТЫ НА ЗАДАЧИ 6-Й СЕРИИ

ЗАДАЧА № 1

Математическое ожидание расхода снарядов для получения хотя бы одного попадания при стрельбе:
орудием = 5 снарядов;
группой = 5,5 снарядов;
батареей = 6,7 снарядов.

ЗАДАЧА № 2

«Метео 11 приближенный –18133–0090–00967–02–661808–04–651910–08–642010–12–632011–16–622111–20–622111–24–622112–30–602212–40–602212».

ЗАДАЧА №3

1. «Байрок». Стой. Цель 101-я, пехота укрытая. Осколочно-фугасным, взрыватель осколочный, шкала тысячных, заряд второй. Прицел 396, уровень 29–98, ОН+0–94, основному 1 снаряд. Огонь.
2. Левее 0–09. Огонь.
3. Прицел меньше 17, левее 0–03. Огонь.
4. Прицел больше 8, правее 0–01. Огонь.
5. Прицел больше 4, правее 0–02, батарее веер 0–02. 2 снаряда беглым. Огонь.
6. Стой, записать цель 101-я пехота. Расход 16 снарядов.

ЗАДАЧА №4

Прицел исчисленный 285, доворот +0–42. Огонь.

ИСЛОҲОТ

Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат

УСТУВОР МАҚСАДГА ҚАРАТИЛГАН

Маълумки, 2002 йил 12 декабрда иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўнинчи сессиясида «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» янги қонун қабул қилиниб, унда муҳим янгилик – сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат тури жорий этилди. Ҳаётга татбиқ этилганига қисқа вақт бўлган бўлсада, бу янги хизмат тури ўзининг имкониятлари, афзалликлари билан юртдошларимизга манзур бўлмоқда.

Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар самараси бугунги кунда яққол кўзга ташланади. Сафларида юзлаб ёшларимиз бурчини ўтаган ва ўтаётган сафарбарлик чақируви резерви хизмати амалда ўзини ҳар томонлама оқлаяпти. Хизматнинг бу тури кўпчилик ёшларимизга катта имкониятлар бергани қайта-қайта такрорланмоқда.

Шу ўринда сафарбарлик чақируви резерви хизматини ўтаётган ўғлонлар учун яратилган шароитлар ва имкониятлар ҳақида офицер Азим Турсунов хизмат қилаётган батальон мисолида тўхталиб ўтсак. Бу ерда яратилган шарт-шароитлар ҳар қандай кишини қувонтиради. Кенг ва ёруғ ётоқхона, дам олиш ҳамда маиший хизмат кўрсатиш, машғулотлар ўтказиш хонаси, кутубхона, спорт шаҳарчаси ва тренажёр зали замонавий жиҳозлар, зарур воситалар билан таъминланган.

Йиғин иштирокчиларининг ҳарбий соҳадан пухта билим олишлари учун машғулотлар малакали ва кўп йиллик тажрибага эга офицер ва сержантлар томонидан юксак савияда олиб борилмоқда. Бунинг учун машғулот хоналари етарли моддий-ўқув базаси билан таъминланган. Компьютерлаштирилган тирда отиш тайёргарлиги бўйича кичик сержант Шавкат Раҳимов ўғлонларга нишонга олиш, жанговар қурол-аслаҳадан фойдаланиш сир-асрорларини ўргатмоқда. Замонавий спорт залларида йигитлар жисмонан чиниқиб, тобланишмоқда.

– Давлат ва жамоат ташкилотлари билан узвий алоқалар йўлга қўйилган бўлиб, – дейди офицер Жобир Мухсимов, – ҳамкорликда турли тадбирлар, учрашув ва беллашувлар, шаҳримизнинг обод ва гўзал масканларига, диққатга сазовор жойларига, музейларга саёҳатлар уюштирилмоқда. Буларнинг барчаси йиғин иштирокчиларининг маънавияти бойишида катта ўрин тутмоқда.

Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик хонасида гуруҳ командири, сержант Зоҳид Қодиров йигитларга юртимизда ва жаҳонда рўй бераётган муҳим воқеалар ва ўзгаришлар ҳақида маълумотлар бермоқда.

– Йиғин иштирокчилари билимга чанқоқ, ҳарбий соҳага қизиқиш ва ҳаваслари кучли, – дейди офицер Шерзод Номозов. – Шу боис, машғулотларимиз доимо савол-жавоб, баҳс-мунозарага бой тарзда ўтади.

– Ойлик йиғинни бошлашдан аввал қайта тайёргарлик ишлари олиб борилади, – дейди взвод командири офицер Нодир Ҳайдаров. – Барча хоналар ўқув қуроллари ва керакли жиҳозлар билан таъминланган. Йиғин иштирокчилари учун зарур қулайликлар яратилган.

Шу ўринда батальон командирига савол билан мурожат қилдик. Яъни, йигитлар бир ойлик машғулотлар давомида етарли билимга эга бўляптими, машғулотларни тўлиқ ўтиш учун қандай режа асосида ўқув жараёни олиб борилмоқда?

– Ойлик йиғинга келганларнинг аксарияти олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлибгина қолмай, соҳалари бўйича давлат ва хусусий секторларда фаолият юритмоқда, – дейди батальон командири, офицер А. Турсунов. – Яъни, улар билим, тажриба дунёқараш ва ақлий салоҳиятга эга. Демак, улар қисқа вақт ичида бу ойлик йиғинда ўтиладиган машғулотларни тез ўзлаштиришади, дегани. Шунингдек, улар оммавий ахборот воситаларидан, чақириққа қадар бошланғич тайёргарлик фанидан бир оз бўлсада армия ҳақида тушунча ва билимга эга бўлганлари муҳим омил бўлмоқда. Сафарбарлик чақируви резерви батальонидаги кўп йиллик фаолиятим ва кузатишларим асносида шуни айтишим мумкинки, бу ҳукуматимиз томонидан ёшлар учун берилган улкан имкониятдир.

Хўш, бу ҳақда йиғин иштирокчиларининг ўзлари қандай фикрда?

Латиф ТУРДИЕВ, Бешариқ туманидан, Ангрен шаҳар педагогика институтининг жисмоний тарбия факультетини тугатган:

– Мен сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга олинганимдан хурсандман. Бу ердаги шарт-шароитлар менга ва сафдошларимга жуда маъқул бўлди. Машғулотлар давомида офицер ва сержантлардан кўп нарсаларни ўрганяпмиз. Жумладан, улардан жанговар қурол ва техникалар тузилиши, уларни бошқариш, улардан нишонга отиш ва жисмоний тайёргарлик машғулотлари менда катта таассурот қолдирмоқда.

Аброр ТЕМУРОВ, Олтиариқ туманидан:

– Ёшлигимдан спортга меҳр қўйиб, кикбоксинг тури билан шуғулланиб келганман. Гапни айнан спорт билан бошлашимга сабаб, мен билан бирга спорт мусобақаларига иштирок этаётган йигитларнинг аксарияти ҳарбий хизматни ўтаган. Шундай вақтлар бўлдики, армия ҳақида гап кетганда, унча кўп нарса билмаслигим, мени улар олдида жуда ноқулай аҳволга солиб қўярди. Мана йиғинда иштирок этяпман, демак мен ҳам армия, ҳарбий хизмат, қурол-аслаҳа ва жанговар техникалар ҳақида муайян билимлар тўплаяпман. Ватан ҳимоясига баҳоли қудрат ҳисса қўшяпман.

Фарҳод АБДУЛЛАЕВ, Фурқат туманидан:


– Мен йиғин давомида жуда кўп нарсани ўрганяпман. Ёшлигимдан ҳарбий касбга бўлган қизиқишим бўлакча. Келажакда ўз олдимга офицер бўлишни мақсад қилиб қўйганман. Жорий йилги уринишимда омад кулиб боқмади. Аммо, ҳозирданоқ келгуси йилда олий ҳарбий билим юрти курсанти бўлиш учун тайёргарликни бошлаб юборганман. Ўйлайманки, ушбу хизмат ниятимга эришишимда улкан ёрдам беради.

Беҳзод ЖЎРАБОЕВ, Фарғона шаҳридан, Фарғона давлат университетининг ўзбек филологияси ва Тошкент давлат санъат институтининг кино ва телерадио режиссёрлиги факультетларини тугатган:

– Бу ерда олаётган билим ва кўникмаларимиз келажакда жуда асқотади. Шу боис, машғулотларга эътибор бериб, офицер ва сержантлардан ҳарбий соҳадан зарур билимларни эгаллаяпмиз. Жанговар қурол-яроғлар, ҳарбий техника ҳақида муайян билимларга эга бўляпмиз. Ўзим телевидениеда фаолият юритаман, шундай вақтлар бўлдики, ҳарбийлар хизмати ва ҳаёти ҳақида лавҳалар тайёрлаш жараёнида соҳа ҳақида юзаки маълумотга эга бўлганим билиниб қолди. Шу боисдан ҳам мазкур хизматни ўтаб, армия ва ҳарбий хизмат, жанговар техника ва қурол-аслаҳалар тўғрисида етарли билим ва кўникмага эга бўлишни, Ватан ҳимоясига ҳисса қўшишни мақсад қилганман.

Кўриниб турибдики, ойлик йиғин ўтаётган ўғлонлар ўз хизматларидан мамнун. Ҳаёт мактаби деб аталмиш армияда ҳар томонлама чиниқиб, тобланаётган йигитларимиз мамлакатимиз тараққиётига улкан ҳисса қўшишларига ишончимиз комил.

Кичик сержант Аҳрор НОЗИМОВ.
Муаллиф суратга олган.



ОИЛА ГУЛШАНИ

МЕҲР БУЛОҒИДИР БУ ГЎША

Ҳар гал болалар боғчасига йўлим тушганида ўзгача туйғуни ҳис қиламан. Илк таълим ва тарбия жараёни шу даргоҳда кечади. Четдан кузатаман: хархаша билан боғчага келаётган уч ёшлардаги болакай онасидан ажралгиси келмаяпти. «Боғчага янги келган бўлса керак. «Катта давра»га мослашиши осон кечмаётганга ўхшайди», деган фикр хаёлимдан ўтади. Шу тобда уларга тарбиячи опа пешвоз чиқдию ширин сўз билан майин жилмайганча болакайнинг қўлларидан тутди. Юзини юзига босиб эркалатди-да, гуруҳига олиб кириб кетди. Хизматга шошилиб турган онаси кўнгли хотиржам тортиб, ортига қайтди. Ҳа, тарбиячи бир пайтнинг ўзида меҳрибон она, зукко мураббий, жонкуяр устозга айланиши лозим.

Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги «Юлдузча» мактабгача таълим муассасасининг катта гуруҳидамиз. Тарбиячи Сайёра Мелибоева болаларга ёд олган шеърларини такрорлатаяпти:

Тўкилади исминг айтсам
юрагим маним,
Бор ҳаётим, мушфиқ онам,
ёлғиз Ватаним.
Қирқ икки минг томиримни
сенга бойладим,
Юрагимга, юракларга
меҳринг жойладим.

Устоз шоирларнинг шеърларини улар шу қадар берилиб айтаяпдики, беихтиёр завқланиб кетасан, киши. Машғулот хонасига эътибор бераман. Хона замон талаби асосида ўта дид билан болалар ёшига мос тарзда жиҳозланган. Бу ердаги ҳар бир буюмда мураббий ва тарбияланувчиларнинг меҳр билан бажарган улкан меҳнатини ҳис қилиш мумкин. Энг асосийси, буларнинг барчасида миллий анъаналаримизга ҳурмат ва эътибор мужассам. Бу ҳар бир гуруҳда ўзига хос тарзда акс этган.

– Жажжи фарзандларимизга таълим ва тарбия беришда аввало кадрлар масаласига катта эътибор қараттанмиз, – дейди тажрибали педагог, мактабгача таълим муассасаси раҳбари Ибодат Расулова. – Тарбиячиларимизнинг барчаси малакали мутахассислар. Мана, янги ўқув йилининг дастлабки ойи ҳам якунига етаяпти. Олдимизда 2009 – 2010 ўқув йили учун белгиланган устувор вазифалар турибди. Улардан энг асосийлари «Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим Концепцияси» ва мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган давлат талабларини амалиётга татбиқ этиш, таълим жараёнининг сифат даражасини кўтаришга эришиш ҳамда мактабгача таълимни кўргазмали воситалар билан бойитиш. Шунингдек, мактабгача ёшдаги болаларни мактабга тайёрлаш жараёнида уларнинг ҳар томонлама ривожланишларига ёрдам бериш, уларда бошланғич ўқув малакасини шакллантириш мақсадида психологик-педагогик муҳит яратишдек вазифаларимиз бор. Ушбу вазифаларни бажариш йўлида мураббийларимиз астойдил ҳаракат қилишаяпти. Айниқса, малакали тарбиячилардан Дилором Ҳамдамова, Сайёра Мелибоева, Шоҳида Аҳмедова, Муҳаббат Ишимова, Шаҳноза Эралиева ҳамда уларга етакчилик қилиб келаётган услубчи Дилором Ҳожиматоваларнинг саъй-ҳаракатларини эътироф этиш жоиз.

Мактабгача таълим муассасамиз жамоаси янги ўқув йилининг асосий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, фарзандларимизнинг маънавий-маърифий шаклланиш йўлида давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик режасини ишлаб чиққан. Мақсадимиз мустақил юрт фарзандларини Ватанимизга муносиб бўлиб вояга етишларига замин яратиш.

Боғчадаги таълим жараёни билан танишиш давомида тайёрлов ва катта гуруҳ тарбияланувчиларига мутахассис Мухлиса Бобомуродова етакчилигида инглиз тилидан сабоқ бериб келинаётганига гувоҳ бўлдик. Албатта дунёга юз тутаётган юртимиз фарзандларига хорижий тилларни ўргатишнинг аҳамияти бор.


Болалар боғчалари жажжилар маскани бўлгани учун бу гўшада ширинсўз ва меҳрибонликнинг ўрни беқиёс. Чунки болажонлар илк ҳаёт сабоқларини шу гўшада олишади. Таълим масканидаги «Ташаккур ва шикоятлар» дафтари билан танишиб, бунга янада ишонч ҳосил қилдим. Дафтарга асосан миннатдорчилик сўзлари битилган. Ҳатто шеър билан ёзилган дил изҳорларини ҳам кузатиш мумкин.

«Аввало мактабгача таълим маскани ходимларига машаққатли меҳнатларида сабр-матонат ва куч-қувват тилайман, – дея мулоҳазаларини баён қилибди М. Инақова. – Фарзандларимиз тарбиясига қўшаётган улкан ҳиссангиз учун миннатдорчилик билдираман. Фарзандим шу гўшага келганда ҳали сўзларни тўлиқ талаффуз эта олмасди. Ҳатто қўлига қошиқ тутолмас эди. Тарбиячининг аввало меҳрибон ва ширинсўзлиги унинг руҳиятига яхши таъсир кўрсатди. Шу ўтган беш йил ичида фарзандим боғчага фақат кўтаринки руҳ билан келди»...

Юракдан айтилган ушбу миннатдорлик сўзларидан ҳам кўриниб турибдики, жамоа аҳли ва мураббийлари ўз вазифаларига меҳр ила ёндашишади.

1 октябрь – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни – қутлуғ байрам олдидан мазкур муассасада фидойиларча меҳнат қилаётганларга тилагимиз: нурафшон келажагимиз эгаларини камолга етказишдек шарафли ва машаққатли хизматлари доимо эътироф топаверсин. Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз устозлар!

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.



ФАРОБИЙ АЙТАДИКИ

Ўзида ўн икки туғма хислатни бирлаштирган кишигина ахлоқли одам бўла олади:

(биринчидан), бундай одамнинг барча аъзолари шу даражада мукаммал тараққий этган бўлиши зарурки, у бу аъзолари билан бажармоқчи бўлган барча ишларини осонлик билан амалга ошира олсин;

(иккинчидан), барча масалани, муҳокама ва мулоҳазани тезда ва тўғри тушуна оладиган, унинг маъносини англай оладиган, сўзловчининг мақсади, айтилган фикрининг чинлигини тезда пайқай оладиган бўлсин;

(учинчидан), хотираси жуда бақувват бўлсин, кўрган-эшитган, сезган нарсаларининг бирортасини ҳам эсидан чиқармай, ёдида сақлаб қоладиган бўлсин;

(тўртинчидан), зеҳни шу даражада тез ва ўткир бўлсинки, бирор нарсанинг аломатини сезиши билан бу аломат нимани билдиришлигини тезда билиб олсин;

(бешинчидан), сўзлари аниқ бўлсин, фикрини ва айтмоқчи бўлган мулоҳазаларини равон ва равшан баён эта олсин;

(олтинчидан), билиш ва ўқишга муҳаббати бўлсин, ўрганмоқчи бўлган билимини чарчашни сезмасдан осонлик билан ўзлаштира олсин;

(еттинчидан), овқатланишда, ичимлик истеъмол этишда очкўз бўлмасин, табиати қимор ўйинларини ўйнашдан узоқ бўлсин ва улар келтирадиган хурсандликдан жирканадиган бўлсин;

(саккизинчидан), ҳақиқатни ва ҳақиқат тарафдорларини севадиган бўлсин, ёлғон ва ёлғончиларга нафрат билан қарайдиган бўлсин;

(тўққизинчидан), руҳининг ғурури ва виждонини қадрлайдиган бўлсин, унинг руҳи ўз табиати билан паст ишлардан юқори ва олижаноб ишларга ишлатиладиган бўлсин;

(ўнинчидан), дирҳам, динор ва шу каби турмуш буюмларига жирканиш билан қарасин;

(ўн биринчидан), ўз табиати билан адолатни севадиган ва адолат учун курашувчиларга, адолатсизликка, жабр-зулм ўтказувчиларга нафрат билан қарайдиган бўлсин, ўз одамлари ва бошқаларга адолатли бўлсин, гўзал ва яхши ҳисобланган нарсаларни барчага тақдим этган ҳолда одамларни адолатга тарғиб этадиган, адолатсизлик оқибатларини йўқотадиган, уларга йўл қўймайдиган бўлсин;

(ўн иккинчидан), адолатли бўлсин, аммо қайсар бўлмасин, адолат олдида қайсарлик қилиб, ўзбилармонликка берилмасин, лекин ҳар қандай адолатсизлик, пасткашлик олдида лафзли бўлсин, ўзи зарур деб билган нарсасини амалга оширишда қатъийлик кўрсатсин, қўрқмас, жасур бўлсин, қўрқиш ва ожизликни билмасин.

Ҳақиқий бахтга эришиш мақсадида ўзаро ёрдам қилувчи кишиларни бирлаштирган шаҳар – фазилатли шаҳардир, бахтга эришиш мақсадида бирлашган кишилар жамоаси – фазилатли жамоадир.

Бахтга эришиш мақсадида ўзаро ёрдам берган халқ – фазилатли халқдир. Шу тартибда барча халқлар бахтга эришиш учун бир-бирларига ёрдам берсалар, бутун ер юзи фазилатли бўлади.

Фармон ва ижро

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚИ ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, БМТ Ривожланиш дастурининг “Ўзбекистонда хотин-қизларнинг имкониятларини кенгайтириш учун ҳуқуқий ва ташкилий салоҳиятни ривожлантириш лойиҳаси” доирасида БМТнинг Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш бўйича (CEDAW) қўмитасининг тавсияларини амалга ошириш бўйича Ўзбекистонда Миллий ҳаракат режасининг бажарилиши якунларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Миллий ҳаракат режасининг бажарилиши, бу борада эришилган ютуқлар, мавжуд камчиликларни сарҳисоб қилиш ҳамда истиқболдаги ҳаракат режасини белгилаш мақсадида ўтказилган мазкур тадбирда тегишли вазирлик, идора, жамоат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Г.Маъруфова Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, интеллектуал ва маънавий салоҳиятини рўёбга чиқариш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишлар юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ҳамда 2009 йил 13 апрелда қабул қилинган «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни янада юқори погонага кўтаришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Бугунги аёллар нафақат ижтимоий-маданий, балки иқтисодиёт, саноат, қишлоқ хўжалиги, тадбиркорлик каби соҳаларда ҳам фаол иш юритмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида уларнинг жамият ҳаётидаги мавқеини янада юксалтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, муносиб меҳнат шароити яратишга оид масалалар қатъий мустаҳкамлаб қўйилган. Шунингдек, хотин-қизлар меҳнатининг касаначилик, кичик бизнес каби янги, самарали усулларини ривожлантириш, фермер хўжаликларида аёлларни иш билан таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий манфаатларини, меҳнат муҳофазасини қатъий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимиз 1995 йилда Аёллар ҳуқуқларини камситилишининг барча шаклларига барҳам беришга оид конвенцияни ратификация қилган. Мазкур конвенцияни ратификация қилган ҳар бир давлат конвенция қоидаларини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан олиб борилаётган амалий ишлари тўғрисида БМТнинг CEDAW қўмитасига ўзининг даврий ҳисоботларини тақдим этади. Ўзбекистон ҳам мазкур конвенциянинг мамлакатимиздаги ижроси бўйича тўртта даврий маърузани CEDAW қўмитасига тақдим этган. Жумладан, 2006 йилда мамлакатимизда олиб борилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилган. CEDAW қўмитаси тавсияларида мамлакатимизда хотин-қизлар манфаатларини ҳимоялаш ва таъминлаш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар юқори баҳоланган.

Давра суҳбатида юртимизда бу борадаги ишларни давлатимиз раҳбарининг фармон ва қарорлари талаблари даражасида амалга ошириш, мазкур жараёнда CEDAW қўмитаси тавсияларини инобатга олиш билан боғлиқ масалалар юзасидан маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди.

Гўзал САТТОРОВА,
ЎзА мухбири.

МАСЛАҲАТ

Спрашивали – отвечаем

МЕРЫ БЕЗОПАСНОСТИ ПРИ ОБСЛУЖИВАНИИ МАШИН

Уважаемая редакция газеты «Ватанпарвар»! Приближается время перевода техники на режим эксплуатации в зимних условиях. Какие меры безопасности необходимо соблюдать при выполнении соответствующих работ в парке боевой техники?

Рядовой Тимур ХУШНУДОВ, водитель.

Надежная работа машин в зимний период обеспечивается проведением в частях и подразделениях мероприятий, включающих специальную подготовку личного состава, машин, а также помещений и оборудования парка. Для подготовки личного состава организуются и проводятся специальные занятия, на которых изучаются особенности зимней эксплуатации машин. От личного состава принимается зачет, и только военнослужащие, успешно его сдавшие, допускаются к эксплуатации машин в зимних условиях.

Подготовка машин к зиме заключается в проведении соответствующего технического обслуживания и специальных работ. При переводе техники на режим эксплуатации в зимних условиях для каждого конкретного вида техники имеются свои особенности работы и соблюдения мер безопасности

Вместе с тем есть и общие правила, соблюдение которых необходимо при работе на технике в любых условиях. Так, мероприятия по соблюдению техники безопасности в парках предусматривают прежде всего содержание в полном порядке помещений и рабочих мест, где выполняются работы. Полы в помещениях должны быть ровными. Все углубления, сделанные в полу, должны быть надежно закрыты щитками или решетками. Горючее или смазочные материалы, случайно попавшие на пол, следует немедленно убирать с помощью опилок или песка.

При подъеме машины или ее части с помощью домкратов, необходимо страховать ее специальными подставками. Не допускается одновременное снятие всех колес автомобиля. Работать под машиной можно только тогда, когда она надежно закреплена на осмотровой канаве или подъемнике.

Во время работы необходимо пользоваться только исправным инструментом и приспособлениями. Запрещается складывать инструмент, оборудование и снятые с машины детали на подножки, раму, а также края осмотровой канавы, во избежания падения их на работающих внизу людей.

Помещения, в которых работают двигатели, должны иметь принудительную вентиляцию. При ощущении запаха отработавших газов или паров горючего, необходимо все работы прекратить, удалить из помещения личный состав и тщательно его проветрить.

Скорость передвижения машин по территории парка ограничивается до 10 км/час, в производственных помещениях до 5 км/час.

Особая роль при работе в парке отводится сержантскому составу. Младший командир должен:

– хорошо знать мероприятия по технике безопасности при работе в парке, меры безопасности при прогреве двигателя и при обращении с ядовитыми низкозамерзающими охлаждающими жидкостями, доводить их до подчиненных и контролировать их соблюдение при техническом обслуживании машин;

– не допускать обслуживания машин с работающими двигателями, кроме случаев регулировки систем и опробования тормозов;

– запрещать подчиненным работу с неисправным или замасленным инструментом, а также наращивать ключи отрезками труб и другими рычагами;

– не допускать мытья рук и деталей этилированным бензином, засасывания ртом через шланг горючего, тормозных и других технических жидкостей при их переливании из одной емкости в другую.

Помимо выполнения общих положений по технике безопасности необходимо следить за тем, чтобы водители и ремонтники не подвергались чрезмерной утомляемости, были обеспечены теплой одеждой. При применении отопительных и обогреваемых устройств следует иметь исправный огнетушитель, сухой песок и другие средства пожаротушения.

Отдел воинской службы и воспитательной работы газеты «Ватанпарвар».

Сўраган экансиз

АРМИЯДАН ҚАЙТГАЧ, ЎҚИШИНИ ТИКЛАЙ ОЛАДИМИ?

Бир оғайним олий ўқув юртидан ўқишдан четлаштирилгандан сўнг муддатли ҳарбий хизматга жўнади. Армиядан қайтгач, ўқишини тиклаши мумкинми?

Иккинчи саволим қуйидагича: талаба бир олий ўқув юртидан иккинчисига ўқишини кўчириши қандай тарзда амалга оширилади?

Йўлдош МУРОДОВ, талаба.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат тест марказининг қарори асосида «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби ва қоидалари тўғрисида» ги муваққат Низом тасдиқланиб, жорий йилнинг 27 июлидан кучга кирган. Мазкур Низом учинчи бўлимидан саволга жавоб топиш мумкин. Унда, жумладан 21-бандда «Олий таълим муассасаси ўқишга қайта тиклаш тўғрисидаги ариза келиб тушган кундан бошлаб икки ҳафталик муддатда уни кўриб чиқади ва мурожаат қилган шахсни талабаликка қайта тиклаш курси (семестри) ҳамда қайта тиклашнинг бошқа шартларини кўриб чиқади», деб ёзилган. Шуни ҳам айтиб лозимки, олий таълим муассасаси маъмурияти ташаббуси билан четлаштирилган шахслар барча ўқув шакллари бўйича тўлов-контракт асосида ўқишини қайта тиклаши мумкин. Фақат давлат грантлари асосида таълим олган етимлар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, шунингдек муддатли ҳарбий хизматни ўтаган шахслар (резервга бўшаган кунларидан бошлаб уч йил мобайнида) истисно тариқасида, ўқишга давлат грантлари ўринларига қайта тикланишлари мумкин.

Мазкур Низомга мувофиқ оғайнингиз ўқишдан четлатилгандан кейин 5 йилгача муддатда (муддатли ҳарбий хизматда бўлганлик ушбу муддатга кирмайди) ўқишини қайта тиклаши учун имконияти бор. Агар бу муддатдан ошса, унда қайта тиклаш Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ёки Идоралараро комиссиянинг рухсати билан амалга оширилади.

Иккинчи саволга Низомнинг иккинчи бўлимидан жавоб топиш мумкин. Унда давлат грантлари асосида таҳсил олаётган талабалар ўқишини ўз таълим йўналишидан бошқа турдош бўлмаган таълим йўналишига кўчириши тўлов-контракт асосида амалга оширилиши таъкидланган. Бошқа олий таълим муассасасига ўқишни кўчириш истагидаги талаба ушбу олий таълим муассасаси ректорига, тегишли вазирлик (идора)га, агар хорижий давлатларнинг аккредитацияга эга бўлган олий таълим муассасаларидан Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига, бир олий таълим муассасаси доирасида ёки вазирлик (идора) ва турли вазирликлар (идоралар) тасарруфидаги олий таълим муассасаларига олий таълимнинг турдош бўлмаган йўналишлари (мутахассисликлари) бўйича ўқишни кўчирадиган бўлинса, Идоралараро комиссиянинг ишчи гуруҳларига ариза билан мурожаат қилиши белгиланган.

ҚРИМ-КОНГО ГЕМОРРАГИК ИСИТМАСИ

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида клиник кечишининг оғирлиги, юқумлилик ва ўлим даражасининг юқорилиги билан ажралиб турадиган «Қрим-Конго геморрагик иситма» касаллиги бўйича эпидемиологик вазият кескинлашяпти. Хасталикнинг табиий ўчоқлари асосан Евроосиё ва Африка мамлакатларига тўғри келади. Ушбу касаллик тарихдан бизга маълум бўлиб, халқ тилида «Қора ўлим» деб аталган.

Республикамиз ҳудудида ушбу хасталикнинг табиий ўчоқлари жанубий ва марказий вилоятларда мавжуд бўлиб, ўтказилаётган профилактик чора-тадбирлар натижасида касаллик фаоллашувининг олди олинмоқда. Чорва моллари, сичқонлар ва қушлар касаллик қўзғатувчисининг манбаи саналиб, уларни ўзида бир умр сақловчи ва тарқатувчилар эса каналлардир. Касаллик каналар чақиши орқали юқади. Шу билан биргаликда қишлоқ хўжалигида қўйлар жунини қирқиш, ҳайвонларни сўйиш, каналарни эзиб ўлдириш вақтида, соч-соқол олишда бемор фойдаланган устарадан фойдаланиш ва бошқа ҳолларда касаллик юқиши мумкин.

Касаллик асосан қишлоқ жойларда истиқомат қилувчилар, қишлоқ хўжалиги ишлари билан машғул бўлган аҳоли (фермерлар, чўпонлар, қассоблар, далада ишловчилар, ветеринария ва тиббиёт ходимлари) ўртасида қайд қилинади..


«Қрим-Конго геморрагик иситма» касаллиги – ўта юқумли бўлиб, тана ҳароратининг кўтарилиши, умумий интоксикация, терига геморрагик тошмалар тошиши, бурундан, тишдан ва ички тана аъзоларидан қон кетиши билан кечади. Кана чаққандан кейин ёки касалланган ҳайвон, беморнинг қони танага тушганидан 3–6 кун ўтиб, тана ҳароратининг бирдан ортиши ва оёқ-қўлларнинг қақшаб оғриши кузатилади. Хасталикнинг 4-5 кунлари тана ҳарорати бир мунча пасаяди ва бутун танада қизил тошмалар пайдо бўлади. Тошмалар ўзидан кейин қора доғлар қолдириши сабаб тери қора рангга бўялади. Беморнинг барча ички аъзоларидан қон кетиши туфайли қон қусиш, милкдан ва бурундан қон кетиши кузатилади. Бемор кўп қон йўқотиш ва ўткир юрак етишмовчилигидан оламдан ўтиши мумкин.

Бемор ҳаётини сақлаб қолиш учун биринчи ўринда, унга «Қрим-Конго геморрагик иситма» касаллиги ташхисини тўғри қўйиш талаб этилади. Беморни сўраб-суриштириш вақтида унинг касби, касаллик бўйича эндемик бўлган ҳудудда яшаши, хизмат сафари ёки дам олиш масканларида бўлгани аниқланади.

Беморга барвақт ташхис қўйилиб, тезкор даво чоралари кўрилганда, унинг ҳаётини асраб қолиш мумкин. Заҳарланишга қарши амаллар, қон кетишини тўхтатиш, юрак қон-томир фаолиятини мўътадиллаштирувчи даво амаллари беморнинг тузалишига ёрдам беради. Бемор ҳаётини сақлаб қолишнинг энг кафолатли йўли «Қрим-Конго геморрагик иситма» касаллиги билан хасталаниб ўтган шахснинг қон зардобини унга юборишдир.

Ушбу касалликка чалинмаслик учун йирик ва майда шохли ҳайвонларни парваришлаш, даволаш ва сўйиш билан машғул бўлган касб эгалари махсус ҳимоя воситаларидан фойдаланишлари (комбенизон, қўлқоп, этик) талаб этилади.

Халқ хўжалигида ҳайвонларни тез-тез кимёвий воситалар ёрдамида ювинтириб туриш, айниқса уларнинг жунини олишдан олдин чўмилтириш фойдалидир.



Табиий ўчоқларни кескин камайтириш, маълум бир чегараланган ҳудудларда маҳаллий аҳолини ҳимоялаш учун зарур бўлган профилактик ишлар, каналар кўпайиши мумкин бўлган жойларда мунтазам равишда энтомологик назорат олиб борилади. Кана аниқланган жойларда хароба жойларни бузиб ташлаш, ерни шудгорлаш, кимёвий воситалар ёрдамида ишлов бериш амаллари ўтказилади.

Касалликнинг табиий ўчоқлари жойлашган ҳудудларда шахсий таркибни кана чақишидан ҳимоялаш мақсадида, каналар бўлиши мумкин бўлган ташландиқ иншоотларда, табиат қўйнида эса кемирувчилар инлари яқинидаги жойларда дам олиши ва тунда ётиб қолиши тавсия этилмайди.

Дала-ўқув машғулотлари вақтида махсус комбенизон, этик ва қўлқопдан ҳимоя кийими сифатида фойдаланиш мумкин. Дала-ўқув машғулотларидан қайтишда ҳарбий хизматчилар сафдошларининг кийим-бошини текшириш, каналар аниқланганда эса қўлга ҳимоя воситасини кийиб, йўқ қилиш лозим.

Касалликнинг олдини олиш учун хасталик белгилари пайдо бўлганда зудлик билан шифокорга мурожаат этиш зарур.

Тиббиёт ходимлари касалликка гумон қилинган беморларни текшириш ва даволашда ўта ҳушёр бўлишлари, махсус ҳимоя воситаларидан (махсус ҳимоя кийими, ниқоб, кўзойнак, қалпоқ, қўлқоп, резина этик) фойдаланишлари лозим.

Аҳоли ўртасида касалликнинг келиб чиқиши, тарқалиши ва ундан ҳимояланиш усуллари тўғрисида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш ҳам жуда муҳимдир.

Тиббий хизмат катта лейтенанти Адил КУДАЯРОВ, Мудофаа вазирлиги Санитария-эпидемиология назорат маркази катта врач-мутахассиси.

БАҲОЛАШНИНГ РЕЙТИНГ ТИЗИМИ

Талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими борасида қандайдир янги ҳужжат қабул қилинган деб эшитдим. Шунга ойдинлик киритиб берсангиз.

Саид ҚОВУСОВ, талаба.

Ҳақиқатан ҳам яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг буйруғига кўра «Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида»ги Низом тасдиқланиб, 3 сентябрдан кучга кирди. Бундан кўзланган мақсад таълим сифатини бошқариш орқали рақобатбардош кадрлар тайёрлашга эришиш, талабаларнинг фанларни ўзлаштиришида бўшлиқлар ҳосил бўлишининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган.


Мазкур Низомга мувофиқ талабанинг семестр давомидаги ўзлаштириш кўрсаткичи 100 баллик тизимда бутун сонлар билан баҳоланади. Бунда якуний назоратга – 15 балл, жорий ва оралиқ назоратларга – 85 балл тақсимланади. Ўзлаштириш бўйича намунавий мезонлар ҳам белгиланган. Масалан, билим даражаси 86 –100 баллга жавоб бериш учун талабадан хулоса ва қарор қабул қилиш, ижодий фикрлаш, мустақил мушоҳада юритиш, олган билимини амалда қўллай олиш, тасаввурга эга бўлиш каби хусусиятлар талаб этилади.

И. ҚУРБОНОВ тайёрлади.

ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

ҚАЛТИС ХАТО

(Воқеий ҳикоя)



Мана уч кундирки Садоқат деярли туз тотгани, гапиргани йўқ. Эндигина ўн тўрт ёшни қаршилаётган қиз мактабдан кела солиб тўшакка ўзини ташлаганича бош кўтармади. Онаси Меҳри хола, опа-сингиллари унга нима бўлганлигини аниқлаш учун минг суриштиришмасин, парвона бўлишмасин тайинли жавоб олишолмади. Фақат кўз ёшини яширганча йиғлашдан нарига ўтмасди қиз. «Мен яхшиман», дейишига қарамасдан уни шифокорга олиб боришди. Лаблари қуруқшаб, кўзлари йиғидан қизариб кетган қизда ҳолсизлик ва руҳий тушкунликдан бошқа ҳолат кузатмаган шифокор бир қатор дорилар ёзиб берди. Бироқ бир ҳафтага яқинлашай деса-да, Садоқат ўзига келолмасди. Шундай кунлардан бирида «кўзга яқин неварамга кўз теккан-да», дея гоҳ исириқ тутатиб, гоҳ кинна солиб, уни овқат ейишга мажбур қилиб турадиган Очахон эна беҳол набирасининг олдига ўтирди-да, бошини силаб:

– Она қизим, нимадан дард чекаётганлигингни биламан, – деди аста. Садоқат бу гапдан бир зумда ҳушёр тортдию кўзларини катта-катта очиб унинг юзига термулди. – Сен энг яхши кўрган неварамсан. Буни ўзинг ҳам яхши биласан, қизим, – гапни узоқдан бошлади эна унинг юзига меҳр билан боқар экан. – Ота-онанг, опа-сингилларинг, уканг ҳам яхши кўради. Сени ҳеч кимга алиштиришмайди.

Бувисининг сўнгги сўзларидан сўнг, Садоқат унинг қўлини юзига босганча ҳўнграб йиғлаб юборди...

Минг тўққиз юз эллик олтинчи йил. Туман марказининг чеккароқ ерида туғруқхонаси. Бир кунда, деярли бир пайтда кўпайишиб, қизалоқлик бўлган икки аёлни бир хонага ётқизишди. Туғруқ азобларидан сўнг енгил тортиб, ўзаро суҳбатлашиб ётган оналарнинг нигоҳи эшикда. Ҳамширанинг болаларини олиб келишини интиқлик ила кутишаяпти.

– Қаранг, кеч бўлаяпти ҳамки болаларни берай дейишмайди-я, – безовталана бошлади новчадан келган, истараликкина, офтобда юзлари қизарган Меҳрихон.

– Ҳа, чақалоқларнинг қорни ҳам очиб кетгандир. Одатда биринчи куни шундай бўлади. Ҳозир бериб қолишса керак, – уни тинчлантирган бўлди ўрта бўй, оқ юзли, хушрўй Саодатхон. Аёлларнинг гапи тугар-тугамас икки қўлида йўргакланган чақалоқларни кўтарганча ҳамшира кириб келди. У қизалоқларни оналарига тутқазар экан:

– Қорниларини яхшилаб тўйдиринглар. Эҳтиёт бўлинг, яна қўлингизда бола билан ухлаб қолманг. Ярим соатдан кейин олиб кетаман, – деганча шошилиб ташқарига йўналди.

Фарзандни минг бир азоб билан дунёга келтирганингдан сўнг, уни илк бор қўлингда тутиб, бағрингга босишнинг ўрни бўлакча. Вужудингда яралиб, тўққиз ой давомида бағрингда унган «мўъжиза»га қайноқ меҳр ва ҳайрат билан термулмасликнинг иложи йўқ. У сен учун қанчалар азиз.

Айни пайтда икки она ҳам бир хил ҳиссиётда эди.

– Буни қаранг, қизчаларимиз бир-бирларига ўхшаб кетар экан, – ўртадаги сукунатни бузди Меҳрихон.

Боласини эмизиб ундан кўз узмай ётган Саодатхон шеригининг чақалоғига қаради.

– Ростдан ҳам ўхшаб кетар экан, – майин жилмайди у. – Ўзи янги туғилган чақалоқларнинг кўплари ўхшаш бўлишади. Булар ҳали неча хил турланади дейсиз.

– Шуни айтинг, етти ёшгача етмиш хил бўлади, дейишади. Айланиб-ўргилиб ота-оналарига тортишади-да, – унинг гапини маъқуллади Меҳрихон.

Эртаси кун чақалоқларни яна оналарига олиб келишди. Қизчасини қўлига олиб, эндигина кўкрак тутишга чоғланган Саодатхон унинг юзига термулдию бирдан сесканиб кетди.

– Вой, бу менинг болам эмас. Шеригимникига ўхшаяпти, – Меҳрихоннинг қўлидаги чақалоққа қаради у. – Менинг қизим мана бу.

– Нималар деяпсиз эгачи, ўз қизингизни танимай қолдингизми? – уни жеркиб берди Меҳрихон. – Бу ўзимнинг болам-ку.

Ўртадаги баҳсга ҳамшира қўшилди:

– Чақалоқларнинг алмашиб қолиши мумкин эмас. Улар туғилган заҳоти керакли маълумотлар ёзилиб, бўйнига осиб қўйилади. Мана, ўзингиз ўқиб кўринг, бу сизнинг қизингиз. – Саодатхонни тинчлантирди у.

Бироқ бу сўзлар онанинг гумонини тарқатмади.

– Чақалоқларни чўмилтирасизлар, йўргагини янгилайсизлар. Шундай пайтда бўйнидаги алмашиб қолиши мумкин-ку. Бу менинг қизимга ўхшамаяпти, – сўзидан қайтгиси келмасди унинг.

– Бундай пайтда ҳамширалар жуда эҳтиёткор бўлади, ишонинг менга. Болалар эса ҳар соатда ўзгариши мумкин, Янги туғилганда бироз димиққан ҳолатда бўлади. Балки кечаси билан болангизнинг юзидаги димиқишлар кетгандир, – уни ишонтиришга ҳаракат қиларди ҳамшира. – Ҳозир янглишиб қилган жанжалингиз билан бизни ҳам, ўзингизни ҳам гапга қўясиз.

Саодатхон ўзини босиб гумонини тарқатиш учун шеригининг қўлидаги чақалоқни кўрмоқчи бўлди. Лекин Меҳрихоннинг важоҳати бунга йўл бермади.

– Ғалати аёл экансиз. Менинг боламни текшириб кўргунча қизингизга қарасангиз-чи. Унинг чинқириши хонани тутиб кетяпти.

Саодатхон ноилож орқасига қайрилдию кўкрак излаб оғизчасини ҳар томонга буриб ингалаётган гўдакни қўлга олди. Минг бир гумон ичида унга аста кўкрак тутди...

Вақт дардга даво дейдилар. Бироқ бунинг акси бўлиши ҳам мумкин. Баъзан вақт ўтган сайин унут бўлган дардли хотиралар тикланиши, билиб-билмай қилган хатоинг сенга бир умр азоб бериши ҳеч гап эмас. Саодатхон қизига Лобар дея исм қўйди. Ойлар, йиллар ўтгани сари у бутунлай ўзгача, яъни хонадон аҳлига ўхшамай борарди. Бу ҳолдан биринчи галда Неъматилло ака ҳушёр тортди. «Гумон иймондан айиради», деганларидек, у аёлидан гумонсирашгача бориб етганди ва бу тахминини хотинидан яширмасди ҳам. Уни тинмай сўроққа тутар, турткилар, ундан тайинли жавоб кутарди. Аммо бегуноҳ аёл туғруқхонадаги воқеани эрига ошкор этишдан қўрқарди. Аслида Лобар ёшига етар-етмас, у ўзининг боласи эмаслигига амин бўлганди. Йиллар ўтгани сайин эса бу аниқ юзага чиқа бошлади. У акаси ва икки укасига умуман ўхшамасди. Бу орада Саодатхон кўксини босиб ётган оғир дардни укасига очди.

– Опа, Лобар етти ёш бўлаяпти, ҳадемай мактабга боради. Наҳот шунча йил сирни ошкор қилмай поччам берган азобларга чидаб яшадингиз, – опасини койиди Азамат. – Сизни ким зиёли инсон дейди. Ўша аёл яшаётган қишлоқни билар экансиз, нима учун бориб қизчасини кўриб, керак бўлса текширтириб, ҳақиқатни юзага чиқармайсиз. Қўлингиздан келмаса менга қўйиб беринг. Бу ҳақда ҳозироқ поччамга ҳам ўзим айтаман.

– Йўқ, шошма, – укасининг шошилинч қароридан қўрқиб кетди Саодатхон. – Аввал бирга бориб у қизчани кўрайлик. Мен Лобарни жонимдан ортиқ кўраман. Унинг бу воқеалардан азият чекишини истамайман. Қизчани кўриб, ишонч ҳосил қилсаккина поччангга айтамиз.

Ҳамон гумонининг ёлғон бўлиб чиқишини истарди у. «Ахир оилада ҳамма фарзанд бир-бирига ўхшайвермайди-ку. Қайси бир авлодига тортиши ҳам мумкин», дея таскин берувчи хаёлларга суянарди онанзор.

Опа-ука Меҳрихон яшаётган қишлоққа боришди. Қишлоқ марказидаги дўкон сотувчисидан ушбу оила ҳақида маълум маълумотлар олишди.

– Ҳа, Абдуҳамид тракторчиникига меҳмон бўлиб келаяпсизларми? Меҳри опа уларнинг аёли бўлади, – Азаматга қайси маҳаллада яшашларини тушунтира кетди сотувчи. – Жуда меҳнаткаш одамлар. Болалари ҳам бири-биридан яхши.

Ўша куни опа-укалар қизалоқни кўра олишмади. Тўғрироғи, бунинг имкони бўлмади. Оилага даъфатан кириб бориб, мақсадга кўчиш эса катта жанжалга олиб келиши аниқ эди.

– Опа, яна саноқли кунлардан сўнг мактаб бошланади. У қизчанинг ҳам бу йил мактабга кириши аниқ. Исмини билиб олдик, Садоқат экан. Ўқиш бошланса, келиб бирга кўриб кетамиз, – опасини тинчлантирди Азамат.

Шунча йил сабр қилган Саодатхон негадир бу ҳақиқатни билишга жуда ошиқар, сентябрь ойи бошланишини интиқлик билан кутарди.

Кўп фурсат ўтмай ўша кун келди ҳам. Улар қизчанинг синфини аниқлаб, дарсдан қайтиш пайтини кутиб туришди. Ана папкаларини кўтариб олган қизчалар бир-бирларига гап бермай вижирлашганча мактаб дарвозасидан чиқиб келишаяпти. Азамат уларга пешвоз чиқди. Юраги ҳаяжондан ҳапқириб турган Саодатхон эса бироз панароқда. Уларни кузата бошлади.

Азаматнинг Саодатни топиши қийин кечмади. У поччаси Неъматилло акага ниҳоятда ўхшаб кетадиган чиройли қизчани тўхтатди-ю, чўкка тушганча қўлларидан тутиб, исмини сўради:

– Сен Садоқатсан-а, Меҳри опанинг қизи Садоқатмисан? – қизча кўзларини катта-катта очиб, унинг саволига бош силкиб жавоб қайтарди. Азаматнинг ҳаяжондан қўллари қалтирар, бир кўришдаёқ ўзининг жияни эканлигига амин бўлганди у. – Мен сенинг тоғангман, эсингда сақлаб қол тоғангман.

Қизча унинг «ғалати» гапларига тушунмай қўлларини шашт билан тортиб олди-да, ўртоқлари томон чопқиллаб кетди. Дугоналарига етиб боргач, «сенинг тоғангман, дейди, тоғам экан», дея қизчаларга хос қийқириб кулди-ю, ҳеч нарса бўлмагандек йўлида давом этди.

Жигарбандини кўрган онанзор эса юзини кўз ёши ювганча қотиб турар, бир қадам босишга ҳам мажоли йўқ эди унинг.

(Давоми бор).

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

ТУРФА ОЛАМ

ДИНОЗАВРЛАР БИЛАН ТЕНГДОШ ТОШБАҚА

Канадалик палеонтологлар динозаврлар мавжуд бўлган даврда яшаган, тошқотган ҳомиладор тошбақани топганликларини эълон қилдилар, деб хабар беради ахборот агентликлари.

Канаданинг Қироллик палеонтология музейи ходимлари 1999 йилда Альберта провинцияси ҳудудида бундан 75 млн. йил аввал яшаган тошбақани топишган. Унинг бадани яхшигина майдаланиб кетгани сабабли олимлар унинг ҳомиладор бўлганини дарҳол сезишмаган. Тошбақа тадқиқ қилинганида қорнида камида бешта эзилган тухумлар борлиги аниқланган. Компьютер томографияси ёрдамида 40 см.ли она тошбақа 20 та болани дунёга келтириши мумкин бўлганлиги аниқланган. Бутун ҳолатда ҳар бир тухумнинг диаметри 4 см.ни ташкил этган. 2005 йилда бу ерга яқин жойда бошқа она тошбақа томонидан қўйилган 26 та қадимий тухум топилган. Иккала тошбақанинг тошқотган тухумлари пўчоғи ҳозирги тошбақаларникига қараганда анча қалин ва мустаҳкам бўлган.



ВПЕРВЫЕ НАПАДЕНИЕ БЕЛКИ НА ЛЕТУЧУЮ МЫШЬ

Снимок самой белки-убийцы, судя по всему, сделать не удалось. Перед нами представитель того же вида, обитающего только в Африке. Длина тела зверька вместе с головой может достигать 240 мм, длина хвоста – 210 мм. Вес 650-700 г.

Свидетелем не имеющего точного научного объяснения инцидента стал американский зоолог Уильям Стэнли (William Stanley). Работая в Танзании, он увидел, как белка попыталась убить летучую мышь.

«Мне стало очевидным, что происходит ссора между белкой и летучей мышью, чего я никогда раньше не видел и не слышал. Никто не описывал этот тип поведения или инцидента, – рассказывает зоолог. – Белка держала мышь во рту или, по меньшей мере, кусала ее. На некоторое время все стихло, потом снова захлопали крылья. После второй серии криков белка выпустила свою жертву, и та упала прямо к моим ногам».

Оказалось, что убита мышь вида крылан Вальберга (Epomophorus wahlbergi): кустарниковая белка вида Paraxerus vexillarius сломала ей оба крыла. Причина, по которой белка бросилась в атаку, остается загадкой.

Гипотезу о том, что белка хотела съесть свою жертву, Стэнли называет наименее вероятной и полагает, что мотивом было искалечить мышь, чтобы та не могла летать. Более приемлемыми вариантами Уильям считает защиту беличьего потомства или устранение конкурента «за еду».

«Еще одной возможностью является то, что белка или мышь были в тот момент психически неуравновешенны. Я не думаю, что такое поведение нормально», – признается ученый, опубликовавший статью о происшествии в African Journal of Ecology.

Кстати, Стэнли и его коллега из Танзании заметили и другой случай странного нападения: бабуин убил и съел летучую мышь вида Epomophorus minor, чего тоже никогда не зафиксировали прежде, причем жертва примата была беременна.

Вообще говоря, в последнее время появляется все больше свидетельств нетипичной охоты: за поеданием летучих мышей биологи застали синиц, гавайские осы оказались способными нападать на птиц, выяснилось, что обычные домашние мыши пожирают птенцов альбатросов. Кроме того, было найдено растение, поедающее даже крыс.



2000 ЙИЛЛИК ДАНАКДАН ПАЛЬМА

Исроилда маҳаллий биолог олимлар ёши тахминан 2000 йилга тенг бўлган данакдан хурмо пальмасини ўстиришга эришдилар.

Олимлар томонидан милоддан аввалги 206 йилга тегишли деб тахмин қилинган пальма данаги Яҳудий чўли жанубидаги Масада қалъасида олиб борилган қазиш ишлари вақтида топилган. Демак, ушбу данак бу жойга Масада римликлар томонидан қамал қилинишидан бир неча ўн йиллар аввал тушган.

Бироқ, топилманинг ёшига қарамасдан, биологлар ундан хурмо пальмасини ўстиришга муваффақ бўлдилар ва у ҳозир 26 ойлик бўлди. Ёш ниҳол устида олиб борилган дастлабки тадқиқотлар кўрсатишича, унинг генетик кодининг деярли ярми ҳозирда Шимолий Африка ва Яқин Шарқда – Марокашдан Ироққача бўлган ҳудудда ўсувчи замонавий хурмо пальмаларининг генетик кодига мос келади.

Шуни таъкидлаб ўтиш мумкинки, ҳозиргача 1300 йиллик уруғдан ўстирилган нилуфар ўсимлиги рекорд натижа, деб ҳисобланар эди.



КОМНАТНЫЙ ТИРАННОЗАВР

На иллюстрации портрет маленького динозавра, реконструированный по останкам, найденным на северо-востоке Китая, в провинции Внутренняя Монголия.

Останки были найдены несколько лет назад, и только сейчас американо-китайская группа ученых завершила их исследование.


Найденные остатки скелета очень напоминают кости тираннозавра, уменьшенного в несколько раз: длина динозаврика не превышает трех метров, а вес гораздо меньше центнера.

Внешнее сходство находки с тираннозавром уже наталкивает на мысль, что два вида ящеров как-то связаны между собой. Кроме этого, в публикации отмечено, что кости принадлежат животному, жившему примерно 125 млн. лет назад. Тираннозавры же вымерли около 65 млн. лет назад.

Эти факты позволили ученым предположить, что небольшой динозавр, найденный в Китае, является предком тираннозавра.

Теперь динозаврик носит официальное название рапторекс – Raptorex kriegsteini.

«Шоколад парки»да айнан шу маҳсулотдан тайёрланган «терракот жангчилари»ни айнан ўз катталигида (1,8 метр), Мин сулоласининг «чинни» вазаларини, бундан ташқари соф шоколаддан бунёд этилган Буюк Хитой девори ва «шаньшуй» услубидаги табиат асарлари – «тоғлар» ва «сувлар»ни кўриш мумкин бўлади. «Ушбу шоколадли мўъжизалар мамлакатида сизни қандай ғаройиботлар кутаётганлигини ҳатто тасаввур ҳам қилолмайсиз», дейишмоқда аттракцион яратувчилари мухлислар қизиқишини кучайтириш мақсадида.



УЧ ЎЛЧАМЛИ «ТИРИК» ХАРИТА

Жоржия технологик университети (Атланта штати, АҚШ)нинг бир гуруҳ мутахассислари ўзида жўғрофий хариталар ва йўлдошдан юборилган суратлар тўпламларини ифодаловчи Google Maps, Google Earth ёки Microsoft Virtual Earth каби картографик сервис ва иловалардан фарқли равишда харитада динамик маълумотларни жойлаштириш имконини берувчи янги тизим яратдилар.

Видеоахборотга ноёб ишлов бериш ёрдамида сайёранинг «тирик» харитасини олиш ва уни картографик интернет-сервисларга жойлаштиришни кўзда тутувчи лойиҳа Augmenting Aerial Earth Maps with Dynamic Information деб аталади. Жоржияда ишлаб чиқилган тизим икки таркибий қисмдан иборат: турли жўғрофий нуқталарда ўрнатилган ва мунтазам равишда видеоахборотни серверга трансляция қилувчи веб-камералар тармоғи ҳамда видео маълумотларга алоҳида тарзда ишлов берувчи бир қанча дастурий алгоритмлар.

Мазкур янги тизим ҳаракатланаётган объектларни аниқлайди ва уларнинг уч ўлчамли моделини яратади. Ушбу моделлар ўша вақтнинг ўзида харитада жойлаштирилади. Демак, Google Earthга ушбу технология ёрдамида нигоҳ ташлаб, нафақат чорраҳа ёки шоссе суратини, балки ундаги йўловчи ва автомобилларни қандай ҳолатда ва қайси йўналишда ҳаракатланаётган бўлса, ўша ҳолатда вебкамера объективига тушганлигини кўриш мумкин. Йўловчи ва машиналарнинг схематик уч ўлчамли нусхалари уларнинг видеотасвирлари билан алмаштирилади ва натижада жойнинг уч ўлчамли тирик харитаси юзага келади.



15 МИНГ КИЛОМЕТРДАН АНТАРКТИДАГА!

Австралиялик туроператорлар доимий музлик билан қопланган қитъага ҳеч бўлмаганда кўз қирини ташлаш истагида бўлганлар учун саёҳатнинг янги турини ташкил этдилар. Авиалайнер сайёҳларни тўғридан-тўғри Антарктиданинг ҳаво кенгликларига олиб боради.

Мазкур ноёб авиасаёҳатни ушбу мақсадлар учун ўзининг иккита самолётини ажратган Qantas компанияси ташкил этмоқда, деб ёзади The West Australian. «Қанотли гигант» деб аталувчи Airbus-380 бортида сайёҳлар Мельбурндан тўғри музлик қитъа томон учадилар. Антарктикага етиб боргач, самолёт ерга қўнмайди, аксинча қор билан қопланган кенгликлар устида секин айланиб учади ва Ернинг Жанубий қутби устидан ўтади.

Самолёт йўловчилари иллюминаторлар орқали музлик гўзалликларидан мириқиб завқ олишлари мумкин бўлади ва шундан сўнг 14 соатлик саёҳат Мельбурн аэропортига қайтиш билан якунланади. Шу вақт мобайнида лайнер 9,5 минг миля (15 минг км атрофида) йўлни учиб ўтади.

Биринчи ана шундай рейс Янги йил арафасида ташкил этилиши режалаштирилган. Демак, дастлабки сайёҳлар байрам тунини Антарктиканинг қорли гўзалликлари жозибаси остида ўтказишлари мумкин бўлади. Иккинчи рейс 2010 йилнинг 24 январида, учинчи рейс эса 14 февралда амалга оширилиши кўзда тутилган. Янги йил рейсининг нархи 600 евродан 4,3 минг еврогача белгиланган.




ЭЛЕКТРОМОТОЦИКЛ РЕКОРД ЎРНАТДИ

Электромотоцикл тарихда биринчи марта соатига 240 км.дан тезроқ ҳаракатланиб, тезлик бўйича абсолют рекорд ўрнатди.

Шундай қилиб, Mission Motors компанияси мутахассислари томонидан яратилган мотоцикл бундай тезликка эришган энг тезкор электр транспорт воситасига айланди. Британиянинг Daily Mail агентлиги хабар беришича, пойгачи Жереми Клиленд икки миля мобайнида ўртача тезликни соатига 150,059 миля кўрсаткичида ушлаб турган.

Рекорд натижа Американинг Юта штати ҳудудидаги тузли Бонневилль кўлида ўтказилган синовда қайд этилди. Сан-Францискода йиғилган мотоциклга 240 вольтли батарея ўрнатилган бўлиб, унинг қуввати икки соат мобайнида ишлашга етади. Ишлаб чиқарувчилар ваъда қилишича, ушбу мотоцикл келаси йилдаёқ тахминан 68 минг доллар нарх билан сотувга чиқарилади. Ҳозирча чегараланган миқдорда, яъни 300 та мотоцикл ишлаб чиқариш мўлжалланган. Орқа ғилдиракда мазкур агрегат тезликни соатига 130 км.гача етказиши мумкинлиги ҳам таъкидлаб ўтилган. «Тезкор электромотоцикллар эндиликда келажак технологияси эмас, бу – ҳозирги кун», деб баёнот берди Mission Motors компанияси асосчиси ва президенти Эдвард Вест.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.



МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



В США усилены меры безопасности



Усиленные меры безопасности введены с 21 сентября в системе общественного транспорта США в связи с угрозой теракта с участием смертника. По словам представителей спецслужб, наиболее серьезные меры безопасности введены в Нью-Йорке, так как есть сведения, что теракт может быть произведен именно в крупнейшем городе США, передает ИТАР–ТАСС. В Нью-Йорке усилены меры безопасности в связи с прибытием мировых лидеров на сессию Генеральной Ассамблеи ООН и саммит по окружающей среде.

Смертность от свиного гриппа превысила в три раза



В Йемене уровень смертности в результате поражения вирусом A/H1N1 почти в три раза превышает среднемировой уровень, составляющий 0,66 процента от количества заболевших, сообщает РИА Новости. По данным местного министерства здравоохранения, в Йемене зарегистрировано на сегодняшний день 165 больных свиным гриппом. Трое из зараженных скончались, не сумев справиться с недугом. Общий процент смертности по стране от вируса A/H1N1 составляет 1,8.

Lufthansa сокращает персонал



Всемирно известная немецкая авиакомпания Lufthansa планирует сократить около 15% административного персонала к 2012 году, сообщает The Wall Street Journal со ссылкой на заявление официального представителя компании. Расходы Lufthansa на персонал к 2012 году будут снижены примерно на 5% в год. Компания не намеревается увольнять сотрудников: она не будет продлевать истекшие трудовые договоры и искать новых работников взамен вышедших на пенсию, уточняет «Финмаркет».

Спасение ценой потери половины груза



Терпевший бедствие в Тихом океане сухогруз «Портстар» под флагом Панамы потерял в результате происшествия больше половины груза. Благодаря этому экипажу судна удалось выровнять крен в 30 градусов, сообщает РИА Новости.

Судно «Портстар» попало в шторм в 100 милях к юго-востоку от крайней оконечности полуострова Камчатка – мыса Лопатка нейтральных водах Тихого океана. Крен судна возник из-за сильного волнения в океане, вызванного прохождением тайфуна.

Растет госдолг Великобритании



Государственный долг Великобритании ежесекундно увеличивается на 6 тысяч фунтов стерлингов (около 10 тысяч долларов) и уже превысил рекордную отметку в 800 млрд. фунтов стерлингов, что соответствует 57,5% совокупного национального продукта, передает агентство ПРАЙМ–ТАСС. На фоне резкого сокращения налоговых поступлений правительство только в августе увеличило объем заимствований на 16,1 млрд. фунтов стерлингов, что почти в 2 раза превышает бюджет Олимпийских игр-2012 в Лондоне.

С фальшивыми дипломами вузов будут бороться




В 2009–2010 учебном году Федеральное агентство по образованию начинает использовать автоматизированную систему учета при выдаче дипломов о высшем образовании. С помощью новой системы власти надеются искоренить торговлю фальшивыми вузовскими дипломами, которые сегодня можно купить безо всякого труда. Автоматизированная информационная система призвана ускорить процесс формирования заявок и облегчить работу вузовским сотрудникам.

(www.NEWSru.com)

ҲАРБИЙ ТЕХНИКА


ПО ТЕХНОЛОГИИ SWATH

Германская компания «Абекинг унд Расмуссен» ведет разработку малого (длиной 25 м) патрульного катера катамаранного типа в интересах ВМС Латвии. Данный корабль будет выполнен по технологии SWATH (Small Waterplane Area Twin Hull), которая применяется при постройке лоцманских катеров, яхт и других коммерческих судов с малым водоизмещением и обеспечивает лучшую устойчивость судна при волнении моря. Экипаж катера будет состоять из восьми человек, автономность плавания 7 сут. Предусматривается возможность установки пулеметов и дистанционно управляемых артиллерийских комплексов (АК) калибров 20–40 мм (типа 27-мм АК MLG-27). Катамаран также может быть переоборудован для решения других задач, например использоваться в качестве водолазного, досмотрового судна или для противоминной борьбы. Латвийскими ВМС заказано пять подобных катеров, первый из которых согласно планам будет спущен на воду в конце 2010 года. Опытно-конструкторские работы проводятся в Германии, а сборку катамаранов планируется осуществлять в Латвии с участием фирмы «Рига шипъярд».



ДЛЯ ПЕРЕВОЗКИ ТЯЖЕЛЫХ ГРУЗОВ

Специалисты американской компании «Бэлвин» технолоджиз» ведут НИОКР по созданию преобразуемого беспилотного летательного аппарата MTR (Mono Tiltrotor). Это БЛА, сочетающий свойства самолета и вертолета, будет способен после вертикального взлета осуществить разворачивание сложенных плоскостей крыла. После выполнения полетного задания аппарат должен будет сложить плоскости для вертикальной посадки. Силовая установка, приводящая во вращение соосные винты, обеспечивает перемещение MTR по вертикали, а также позволяет осуществлять висение. В процессе преобразования аппарата осуществляется разворот вектора тяги из вертикального положения в горизонтальное, и БЛА разгоняется до определенной скорости. При этом горизонтальный полет обеспечивается за счет аэродинамической силы, создаваемой крылом и оперением на скорости до 425 км/ч. Аппарат предназначен для перевозки тяжелых грузов, в том числе и военного назначения. Интерес к БЛА MTR проявляет, в частности, управление перспективных авиационных технологий СВ США (AATD).



ҲАР ҚАНДАЙ ОБ-ҲАВО ШАРОИТИДА

«Белл геликоптер» компаниясининг AH-1Z «Кинг кобра» русумли зарбдор вертолёти АҚШ денгиз пиёдаларининг H-1 дастури доирасида AH-1W «Супер кобра» вертолёти асосида ишлаб чиқилган. Мазкур замонавий ҳарбий техника бевосита қўшинларни қўллаб-қувватлаш учун мўлжалланган. Вертолёт кемалар палубасига жойлашиши ҳам кўзда тутилган.

«Кинг кобра»нинг асосий тактик-техник тавсифлари қуйидагилардан иборат: экипаж 2 киши, максимал кўтарилиш оғирлиги 8409 кг, юксиз ҳолатдаги оғирлиги 5591 кг, максимал учиш тезлиги соатига 410 км, ўртача учиш тезлиги соатига 248 км, энг юқори кўтарилиш нуқтаси 6100 м, максимал учиш давомийлиги 3 соату 18 дақиқа, жанговар радиуси 232 км.

Вертолётнинг кучланиш қурилмаси умумий қуввати 2300 кВт бўлган иккита T700-GE-401C русумли турбовал двигателдан иборат. Борт мудофаа мажмуининг пассив воситалари таркибига экипажни лазер (AN/AVR-2) ва радиолокацион (AN/APR-39) нурланишдан ва ракета ҳужумидан (AN/AAR-47) огоҳлантириш тизимлари, фаол воситалар таркибига эса AN/ALQ-136 русумли тўсиқлар импульс станцияси, дипол қайтаргичлар ва сохта иссиқлик нишонларини очиш автоматлари киради. Вертолёт AN/ARC-210 русумли тўсиқлардан ҳимояланган интеграциялашган алоқа тизими билан жиҳозланган.

«Кинг кобра» қуйидаги қуролларга эга: 20 мм.ли тўп, «ҳаво-ҳаво» типидаги AIM-9 «Сайдвиндер» русумли иккита бошқарилувчи ракета, AGM-114A, B, C ва F «Хеллфайр» ёки AGM-114K «Хеллфайр-2» русумли танкка қарши бошқарилувчи ракеталар билан зарядланувчи тўртта M299 отиш блоки ҳамда 70 мм калибрли бошқарилмайдиган ракеталар. Вертолётнинг оптоэлектрон кўриш-нишонга олиш тизими (AN/AAQ-30) AGM-114 бошқарилувчи ракеталарини кундузи ва тунда, ҳар қандай об-ҳаво шароитларида қўллаш имконини беради. Нишонни кўрсатиш ва индикация тизимига эга.

«Кинг кобра»нинг айланувчи винтлар билан биргаликдаги узунлиги 17,78 м, кўтарилувчи винт диаметри 14,63 м, фюзеляж узунлиги 14,88 м, баландлиги 4,44 м. 2009 йил ўрталаридан қўшинларга етказиб бериш бошланган.



ИХЧАМ ВА ТЕЗКОР

Япониянинг HMV (High Mobility Vehicle) «Штурм» русумли армия автомобили «Кавасаки хэви индастриз» компанияси мутахассислари томонидан АҚШнинг M998 HMMWV «Хамви» машинаси асосида ишлаб чиқилган ҳамда 10 нафаргача бўлган шахсий таркибни олиб юриш учун мўлжалланган. Машина зирҳга эга эмас, «Тойота» фирмасининг қуввати 150 от кучига тенг, шоссе бўйлаб максимал юриш тезлигини соатига 105 км.га етказиш имконини берувчи тўрт цилиндрли дизель двигатели билан жиҳозланган. Автомобилнинг максимал жанговар оғирлиги 2550 кг, ғилдираклар формуласи 4x4 кўринишга эга. «Штурм»нинг узунлиги 4,9 метр, эни 2,4 метр, баландлиги 2,2 метр. HMV «Штурм» автомобили асосида турли вазифаларни бажаришга мўлжалланган ҳарбий техника, шу жумладан «Тип-96» MPMS (Multi-PurPose Missile Sustem) зенит ракета мажмуи ишлаб чиқилган.



ТУРЛИ МАҚСАДЛАРНИ КЎЗЛАБ

Болгариянинг 9 мм.ли P-M01 русумли пистолети Россиянинг 9x18 мм.ли Макаров пистолети асосида яратилган бўлиб, шахсий ҳужум ва ҳимоя қуроли сифатида фойдаланилади. Мазкур пистолетларни ишлаб чиқариш Болгариянинг Казанлик шаҳридаги «Арсенал» заводида 1980 йилларда рус мутахассислари билан ҳамкорликда йўлга қўйилган. Болгариянинг куч бошқармалари, шу жумладан армия ва флот учун, шунингдек тижорий мақсадларда пистолетнинг 9x17, 9x18 ва 9x19 (9 мм – ўқ диаметри, 17, 18, 19 мм – гильзанинг узунлиги) калибрли патронлардан фойдаланилувчи бир неча хил моделлари ишлаб чиқилган.

Унинг Макаров пистолетидан асосий фарқи тутқич ва тепки ҳалқаси шакли ҳамда рангининг ўзгартирилганидадир. Пистолетнинг оғирлиги қайси моделлигига боғлиқ ҳолда 730 ёки 750 грамм (патронсиз). Бунда фарқ шундаки, 9x19 мм калибрли патрон учун оғирлиги 20 граммга оширилган затвор ишлатилади. Пистолетнинг узунлиги 161 мм, ствол узунлиги 93,5 мм. Магазин сиғими 8 та патрон. Самарали отиш узоқлиги 50 метр атрофида. Максимал отиш тезлиги дақиқасига 30 та отиш. Ўқнинг бошланғич тезлиги моделига боғлиқ равишда 217/315/330 м/с.




КЎЗЛАНГАН НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИЛДИ

Чайна-лейк полигонида (Калифорния штати) янги кичик габаритли «Скальпель» русумидаги бошқарилувчи авиация бомбаларининг (БАБ) синов учиши ўтказилди. Мазкур бомба бевосита ўз қўшинлари яқинида жойлашган душманнинг ер устидаги нишонларини (шу жумладан, аҳоли пунктларида жанговар ҳаракатлар олиб боришда) ўта аниқликда яксон қилишга мўлжалланган. Бир неча ана шундай БАБларни нишонга йўналтириш АҚШ ҳарбий-денгиз кучларига қарашли AV-8B «Харриер» бомбардимончи самолётлари томонидан амалга оширилди. Олинган натижалар жанговар қуролнинг бошқарув тизими ишончли эканлиги ва унинг нишонга юқори даражада аниқ тўғриланишини тасдиқлади.

«Скальпель» «Локхид-Мартин» компанияси мутахассислари томонидан ўз-ўзидан нишонга тўғриланувчи ярим фаол лазер каллакли LGTR русумли бошқарилувчи авиабомба асосида яратилган. Бомба ташлашнинг юқори аниқлиги янги бошқарув блокини қўллаш натижасида таъминланади.

«Скальпель» БАБнинг оғирлиги 45 кг, портловчи модда оғирлиги 5 кг; узунлиги 1,91 м, корпус диаметри 0,1 м. Ишлаб чиқувчилар фикрига кўра, бомбанинг юқори аниқликка эгалиги ундан шаҳар шароитларида, шунингдек, ердаги қўшинларни бевосита авиацион қўллаб-қувватлаш учун фойдаланиш имконини беради. Янги бомба билан F-16, F/A-18, AV-8B русумли жанговар самолётлар, шунингдек MQ-9 «Рипер» русумли учувчисиз учиш аппарати жиҳозланиши мумкин.


С. ПЎЛАТОВ тайёрлаган.



ЁШЛАР

ИШОНЧНИ ОҚЛАГАН ИСТЕЪДОДЛАР

Яқинда Италиянинг Фермо шаҳрида VII Халқаро зарб мусиқа асбоблари кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда юртимиз шарафини ҳимоя қилган Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Республика мусиқа ва санъатга ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг 9-синф ўқувчилари Шомун Усубжонов ва Жаҳонгир Файзуллаевлар юқори ўринларни қўлга киритиб, билдирилган ишончни оқлашга муваффақ бўлдилар.



Шу ўринда таъкидлаш жоизки, дунёнинг қатор давлатларида, хусусан, Канада, Франция, Россия, Швейцария, Буюк Британия, Испанияда мусиқа ва чолғучиликни ривожлантириш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, мусиқага бўлган муносабатни, маданиятни ўстиришга қаратилган кўплаб халқаро миқёсдаги кўрик-танловлар, беллашувлар, фестиваллар ўтказиб келинади. Мазкур мусиқа фестиваллари ичида нуфузи ва аҳамиятига кўра анъанавий Халқаро зарб мусиқа асбоблари кўрик-танлови алоҳида ўрин тутади. Жорий йилда еттинчи бор ўтказилган мазкур нуфузли кўрик-танловда дунёнинг 50 мамлакатидан ташриф буюрган 200 дан ортиқ иқтидорли ёшлар иштирок этишди. Танловда ижрочининг маҳорати, куйни ҳис қила билиш қобилияти, тақдим этилган мусиқий асарни бехато ижро эта олиши кабилар синовдан ўтказилади. Табиийки, юксак тайёргарлик ва маҳоратга эга истеъдод соҳибларигина бу мусобақада шоҳсупанинг юқорисидан жой олишлари мумкин. Қувонарлиси, литаврa чолғу асбобидаги чиқиши билан қатнашган вакилларимизнинг ҳар иккаласи зиммаларидаги вазифани шараф билан адо этишиб, фахрли ўринларни қўлга киритишди. Ўн олти ёшлилар баҳсида Жаҳонгир Файзуллаев учинчи ўринга сазовор бўлди. Ўн беш ёшгача бўлган мусиқачилар беллашувида эса Шомун Усубжонов барча рақибларини ортда қолдириб, биринчи ўринни эгаллади.

«Инсоннинг руҳий камолоти ҳақида гапирар эканмиз, албатта, бу мақсадга мусиқа санъатисиз эришиб бўлмайди. Халқимиз ҳаётида мусиқа азалдан беқиёс ўрин тутиб келади. Барчамизга аёнки, куй-қўшиққа, санъатга муҳаббат, мусиқа маданияти халқимизда болаликдан бошлаб, оила шароитида шаклланади. Уйида дутор, доира ёки бошқа чолғу асбоби бўлмаган, мусиқанинг ҳаётбахш таъсирини ўз ҳаётида сезмасдан яшайдиган одамни бизнинг юртимизда топиш қийин, десак, муболаға бўлмайди.

Энг муҳими, бугунги кунда мусиқа санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънавият-ҳида камол топишида бошқа санъат турларига қараганда кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатмоқда», – дейди Президентимиз «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида. Дарҳақиқат, мусиқанинг инсон руҳияти, камолотига таъсири беқиёс. Аждодларимиз буни яхши билганликлари боис фарзандларининг қалбида мусиқага, куй-қўшиққа ҳавас уйғотиб боришган. Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурдек давлат арбоблари ва буюк истеъдод эгаларининг вақт топиб мусиқа илмига бағишлаб рисола ёзишгани, машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида Амир Темур даврида ўтказилган мусиқий анжуманлар ҳақида тўхталиб, **«Яхши овозли хонандалар куйлашни бошлаб, ғазалу нақш айтур эдилар. Ва турку мўғул, хитойу араб ва ажмдин ҳар ким ўз расми билан нағма айтур эрди»,** каби маълумотлар ҳам буни тасдиқлайди.

Мустақилликка эришгач, юртбошимиз раҳнамолигида аждодлар анъаналарини, қадриятларини тиклаш, мумтоз мусиқий меросимизни асраб-авайлаш ва ўрганиш, уни авлодларга безавол етказишга қаратилган қатор ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва шу асосда мусиқий таълимни янада ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 – 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойиши бу борадаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди, десак хато бўлмайди. Мазкур фармойиш ижросини таъминлаш мақсадида давлатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ўғил-қизларимиз истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш, маданий-маънавий савиясини юксалтириш учун зарур шароит яратишда муҳим омил бўлмоқда. Мусиқа ва санъат мактаблари ривожи йўлида кўрсатилаётган эътибор Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Мусиқа ва санъатга ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг фаолиятида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Минг нафардан зиёд ўқувчи билим оладиган ушбу илм масканида таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш, мактабнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчи-педагоглар меҳнатини эъзозлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мактаб ўқувчилари нуфузли халқаро санъат анжуманларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар. Қувонарлиси, мазкур дастур амалиётга татбиқ этилган илк йилдаёқ ўз мевасини, самарасини бера бошлади.

– Халқаро зарб мусиқа асбоблари кўрик-танловида иккинчи бор иштирок этишимиз, – дейди махсус мактаб-интернат директори ўринбосари Қадамбой Исмоилов. – Ўтган йили ҳам ўқувчиларимиз ушбу нуфузли мусиқий фестивалда қатнашиб, кўпчиликнинг эътиборини қозонишга муваффақ бўлган эди. Хусусан, 2008 йилда Фозил Муродқулов литаврa чолғусида учинчи ўринни қўлга киритган бўлса, Ҳикматилла Исмоилов маремба чалиш бўйича Халқаро кўрик-танловнинг рағбатлантирувчи мукофоти ва махсус дипломига сазовор бўлган эди. Бу йилги натижалар эса илгаригидан-да яхши бўлди. Шу ўринда айтиб ўтишни хоҳлардимки, хорижда ўқувчиларимизнинг мусиқа бобидаги истеъдоди, маҳоратига юксак баҳо беришади. Эндигина иккинчи бор иштирок этаётганимизга қарамасдан, вакилларимиз саҳнага чиққанда томошабинлар томонидан илиқ кутиб олишганда, ижро ниҳоясига етгач эса, «Bravo, Uzbekistan» дея олқишлашганда қалбимиз чексиз фахрга тўлди. Ёшларимизнинг бундай эътирофга сазовор бўлаётгани юртимизда мусиқачилик ривожига давлат миқёсида катта эътибор қаратилаётганидан.

– Ўғлим Шомуннинг элликдан ортиқ давлат вакиллари иштирок этган халқаро мусиқа фестивалидаги ютуғи барчамизни қувонтирди, – дейди Ёркиной Асқарова. – Мазкур кўрик-танловда қатнашиш учун жўнаб кетишдан олдин у менга шундай деганди: «Она, мен албатта, ғолиб бўлиб қайтаман, сизларни қувонтираман, Ватаним номини дунёга таниташ!» Гарчи у биринчи ўринни қўлга киритмаган бўлса-да, менга берган ваъдасини маълум даражада оқлай олди. Бундан ниҳоятда мамнунман.

Ҳа, истиқлол аталмиш улуғ неъматдан, давлатимиз томонидан яратиб берилган кенг имкониятлардан унумли фойдаланиб, юрт номини, халқини жаҳонга танитаётган ана шундай фарзандларимизнинг борлиги қалбларимизда мамлакатимизнинг эртанги кунига ишончни мустаҳкамлайди.

Жамшид НИЁЗОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

ЖОНКУЯР МУРАББИЙ

Истиқлол йилларида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, уларни ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига фаол жалб этишга жиддий эътибор қаратилди. Иқтидорли қизларнинг истеъдодини юзага чиқариш, ютуқларини қўллаб-қувватлаш, улардан мамлакат тараққиёти йўлида унумли фойдаланиш мақсадида "Тадбиркор аёллар уюшмаси", "Меҳр нури" жамоатчилик фонди каби кўплаб ташкилотлар фаолияти йўлга қўйилди, аёллар ўртасида турли танловлар ўтказиш, илм-фан, адабиёт, санъат, таълим, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича муайян муваффақиятларни қўлга киритганларни муносиб рағбатлантиришга катта аҳамият қаратила бошланди. Давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган бу ишлар, табиийки, қисқа вақт ичида ўз мевасини бера бошлади. Қаердаки эътибор ва меҳнатга рағбат бўлса, ўша жойда ўсиш, ривожланиш кузатилиши барчага маълум.



Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг кўп соҳалар қатори спортни ривожлантиришга ҳам жиддий аҳамият қаратила бошлади. Айниқса, болалар ва ўсмирлар спортига эътибор, муносабат тубдан ўзгарди. Нафақат шаҳарларда, балки чекка-чекка қишлоқларда ҳам замон талаблари даражасидаги кўплаб спорт иншоотлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мазкур масканларга малакали, ўз ишини яхши биладиган мутахассислар ишга жалб этилди. Бу эса, ўз навбатида ёшларимизнинг қитъа ва жаҳон спорт майдонларидаги натижаларининг сезиларли ўзгаришига олиб келди.

Дилафрўз Имомҳусанова Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг Республика техник ва амалий спорт турлари марказида мураббий сифатида фаолият юритади. Талабчан, қаттиққўл, шу билан бирга, ёшларни ва касбини жондан ортиқ кўрувчи устоз мураббийни шогирдлари ҳурмат билан тилга олишади. Машғулотлар давомида анчайин қаттиққўл бу инсон аслида ёш спортчиларининг шаклланишлари, машғулотдан-машғулотга натижаларини яхшилаб боришлари, мусобақаларда юқори ўринларга сазовор бўлишлари хусусида жон куйитади.

– Спорт инсондан мукаммалликни, тинимсиз меҳнатни, сабот ва иродани, ғалабага бўлган иштиёқни талаб этади, айнан шу хислатларга эга спортчиларгина юксак марраларни забт этишларига ишониш мумкин, – дейди Д.Имомҳусанова. – Фаолиятим давомида кўп кузатганман, гувоҳи бўлганман: тайёргарлиги ва маҳорати етарлича спортчи иродасизлиги ёки ғалаба учун охиригача кураша олмаслиги сабаб баҳсни бой беради. Бошқасида шижоат, ғалабага бўлган иштиёқ маромида, ҳатто керагидан ортиқ бўлади-ю, тайёргарлиги суст ёки ҳаракатларида мукаммаллик етишмагани боис у ҳам мағлубият аламини "тотиб" кўришга мажбур. Мен шогирдларим билан ишлаш жараёнида шу нарсани қайта-қайта таъкидлайман. Спортда эринчоқлик кетмайди, унинг заиф жиҳати ёки кичкинагина бўлса-да хатосини пайқаган рақиб бундан унумли фойдаланиб, ғалабани илиб кетиши мумкин. Шунинг учун машғулотларда кўпроқ машаққат чекиб, кўпроқ тер тўккан спортчига омад кулиб боқади.

Бугун ёш авлодга устозлик қилаётган, уларга соҳа сирларини ўргатаётган бу инсон ўзи ҳам ҳозир шогирдлари босиб ўтаётган йўллар, босқичларни ўтаган, машаққатларга бардош бергани учун ҳам кўплаб ютуқларни қўлга киритган.

У Қибрай туманидаги 22-умумтаълим мактабини тамомлагач, Чирчиқ саноат касб-ҳунар коллежига ўқишга киради. Худди шу вақтнинг ўзида Чирчиқ автомобилчилар тайёрлаш мактаби ҳузуридаги ёзги биатлон бўйича спорт секциясига аъзо бўлади. Коллежда ўқиш билан бирга спортнинг ёзги биатлон тури билан мунтазам шуғулланa бошлади. Устозлари ўгити, сабоқларини бир зум бўлса-да ёддан чиқармаган, майдонга фақат ғалабани кўзлаб тушган иродали қиз дастлаб шаҳар, туман, вилоят ва мамлакат миқёсидаги мусобақаларда, ўзига ишончи орттач эса халқаро майдонларда кўп бора шоҳсупага кўтарилишга муяссар бўлди. Бугунгача кўп маротаба мамлакат биринчилигида ғолибликни қўлга киритган, нафақат юртимизда, балки Осиёда ҳам тенгсиз эканини исботлаб, тўрт карра Осиё чемпиони деган шарафли номга эга бўлган ҳамюртимизнинг эришган ютуқлари, меҳнати, халқаро майдонларда Ватанимиз обрўси, шон-шуҳратини оширишга қўшган муносиб ҳиссаси ҳақида ҳар қанча гапирсак арзийди. Улкан ғалабалари билан спортимиз ривожига қўшган ҳиссаси, жаҳон ареналарида билдирилган ишончни оқлаб келаётгани муносиб қадрланмоқда. Хусусан, 2007 ва 2008 йилларда у Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Марказий кенгаши томонидан "Йилнинг энг яхши спортчиси" деб топилди. Жорий йилнинг март ойида эса халқаро тоифадаги спорт устаси бўлди.

Яқинда яна бир хушхабар кўнгилларга чексиз қувонч бағишлади. Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллиги муносабати билан "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши томонидан турли соҳалардаги фаолияти орқали Ватанимиз обрўси, шон-шуҳрати ва шарафини юксалтиришга, унинг халқаро майдондаги нуфузини оширишга хизмат қилаётган, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиб, намуна кўрсатаётган бир гуруҳ ёшлар "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони билан тақдирландилар. Улар орасида Дилафрўз Имомҳусанова ҳам бор.

Ватан тараққиёти, авлодлар тарбияси, спорт ривожига ҳам ўз ютуқлари, ҳам мураббийлик фаолияти билан ҳисса қўшиб келаётган ана шундай юртдошларимиз сафи кўпаяверсин.

Дилшод ҲАКИМОВ,
ЎзМУ талабаси.

МАҚСАД САРИ ҚАДАМ



Дилмурод аскарликдан қайтгач, ҳар гал ўртоқлари билан ҳарбий хизмат ҳақида суҳбатлашганида, ҳаяжон ила гапиришга тушади. Шундан ҳам англаш мумкинки, армия унинг ҳаётида ўчмас из қолдирган.

– Армияни бежиз ҳаёт мактаби деб аташмас экан. Мен эр йигит учун шараф бўлган ишга лойиқ топилганимдан бахтиёрман, – дейди у биз билан суҳбатда. Сурхондарё вилояти Денов туманида туғилиб, вояга етган йигит ёшлигидан доим интилишда, изланишда бўлди.

Туман марказидаги автомобиль йўллари коллежини намунали битиргач, кўнглида улкан орзулар ва қизиқиш билан муддатли ҳарбий хизматга отланди. Синовлардан муваффақиятли ўтиб, муддатли ҳарбий хизматга лойиқ топилди.

Алоқачи вазифасида хизмат қиларкан, посбон тиришқоқлиги, интилувчанлиги билан командирлари эътиборига тушди. Жанговар, ижтимоий-сиёсий, жисмоний тайёргарликларда ҳар томонлама билимдон, зукко эканини намоён эта олди. Натижада энг сара посбонларга насиб этадиган Тавсияномага сазовор бўлди.

Илм чўққиларини забт этишни кўзлаган Дилмуроднинг олий ўқув юртига ўқишга киришида бу муҳим имтиёзнинг ёрдами катта бўлди. У яқинда Тошкент давлат педагогика университети тарих факультетига ўқишга қабул қилинди.

Дилмурод Қаршиевнинг келгусидаги режа ва мақсадлари улкан. Улар ичида энг муҳими – билими, салоҳиятини Ватан равнақига йўналтириш. Ўйлаймизки, шижоатли ва қатъиятли йигит кўзлаган ниятига етади.

Дилфуза РЎЗИЕВА.

ҚУТЛУҒ АЙЁМ

1 октябрь – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

ҲАЁТ ЙЎЛИДА ЙЎЛДОШ

Трамвай овози эшитилиб, шаҳарнинг мудроқ уйқудан уйғонгани ҳақида дарак бера бошлаши билан Ғайрат ака ишга отланади.

– Эрта тонгдан мактабга ошиқаман, – дейди Собир Раҳимов туманидаги 25-болалар мусиқа ва санъат мактаби директори Ғайрат Акбаров. – Оилам ҳам бунга кўникиб кетган. Мана, таълим тизимида ишлаётганимга 35 йил бўлибди. Умрим мазмуни мактаб ҳаёти, болалар таълим-тарбияси билан чамбарчас боғлиқ.

Ғайрат ака ҳамиша шарафли ва машаққатли касб эгаси бўлганидан, болаларга сабоқ бериш учун кўз нури, юрак қўрини аямаганидан, қанча-қанча тонгларни беҳаловат кутиб олганидан зарра қадар афсусланмайди. "Ўқитувчилик – ота касб. Укам ва синглим ҳам ўқитувчи. Мева дарахтдан узоққа тушмайди," – дейди ўқитувчиликни танлашига сабаб бўлган омилларни санар экан.

– Ўқитувчи наинки юқори педагогик тажриба ва билим эгаси, балки руҳан кучли, сабр-қаноати мустаҳкам бўлиши зарур, – дейди Ғайрат ака. – Ўтиш давридаги қисқа муддатли тақчиллик ўқитувчиман, деб кўкрак керганларни элакдан ўтказди. Ўша йиллари ўқитувчиликни ташлаб, бошқа соҳада нон топишга уринганлар бугун яна мактабга қайтмоқда. Жамиятда ўқитувчининг обрўйи, мавқеи ошиб боряпти. Бу давлатимиз раҳбари томонидан таълим тизимига қаратилаётган юксак эътибор, ўқитувчи-педагогларнинг моддий, маънавий манфаатдорлигини ошириш йўлида кўрсатилаётган чексиз ғамхўрлик ўз маҳсулини бераётганига бир мисолдир.

Ғайрат ака болалигини эслаганида, қалбида ўксиниш ҳисси туғён қилади.

– XX аср ўрталаридаги шаҳар ва қишлоқ мактабларини якрангда тасвирлаш мумкин – кўримсиз иморатнинг мактаб эканини эслатиб турувчи пешлавҳасини айтмаса, таълим маскани дегулик жойи йўқ эди. Қиш кунлари совуқдан жунжикиб, мукка тушганча қалам қитирлатиб, тезроқ қўнғироқ чалинишини кутиб улғайган бизнинг авлод бугун юртимизнинг барча жойларида қад ростлаган ва ростлаётган замонавий ва кўркам мактабларни, дид билан жиҳозланган синфхоналарни, ўқитувчи ва ўқувчиларга яратилган шароитларни тасаввур ҳам қилолмаганмиз.

Ғ. Акбаров Тошкент шаҳрининг Бешёғоч даҳасидаги Камолон маҳалласида вояга етди. Отаси санъат шинавандаси эди. Уларнинг хонадонида бўлиб турадиган адабиёт, мусиқа, тасвирий санъат ҳақидаги суҳбатлар ёш Ғайратда санъатга ҳавас ва меҳр уйғотди. Миллий чолғуга қизиқиш уни мусиқа мактабига етаклади. Консерваториядаги таҳсилдан сўнг маълум муддат вокал-чолғу ансамблида ишлади.

– Лекин қандайдир куч мени мактаб сари етаклар, ўқитувчи бўлиш истаги тобора кучайиб борар эди, – деб эслайди Ғайрат ака. – Шу тариқа Ҳамза туманида ўша пайтдаги 19-мусиқа мактабида болаларга миллий чолғу ижрочилиги бўйича сабоқ бера бошладим. Кейин 25-мусиқа ва санъат мактабига раҳбар этиб тайинландим. Қарийб 15 йилдан буён шу билим даргоҳидаман.

Ушбу мусиқа ва санъат мактабида ҳозирда 200 дан зиёд ўғил-қиз фортепьяно, зарбли ва дамли созлар, торли созлар, хореография, хор дирижёрлиги, мусиқа назарияси ва тасвирий санъат йўналишида билим олмоқда. Уларга сабоқ бераётган ўқитувчи ва мураббийлар ўқувчи билан индивидуал ишлаб, ундаги иқтидорни юзага чиқариш ва ривожлантириш борасида етарли тажрибага эга. Мактаб ўқувчилари мусиқа йўналишидаги республика кўрик-танловларида юқори ўринларни эгаллаб келишининг боиси ҳам шунда. Жорий йилда Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган "Болалик баҳори" фестивалининг мамлакат босқичида мазкур мактабнинг икки нафар ўқувчиси ғолибликни қўлга киритди. Ҳар уч йилда ёш истеъдодлар ўртасида фортепьяно ва торли созлар ижрочилиги бўйича ўтказиб келинадиган танловда мактаб ўқувчиларининг етакчилик қилиши яхши анъанага айланган. 2009 йилда мазкур ўқув маскани Халқ таълими вазирлиги томонидан Тошкент шаҳри бўйича "Йилнинг энг яхши мактаби" деб топилди. Мактаб директори Ғ. Акбаров Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги арафасида Президентимиз фармонига мувофиқ "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

– Болада эстетик дидни тарбиялашда, юксак инсоний фазилатларни камол топтиришда мусиқанинг, санъатнинг аҳамияти катта, – дейди Ғайрат Акбаров. – Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009–2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол вояга етиши учун қилинаётган кенг кўламли ишларни яна бир юқори поғонага кўтарди. Мазкур қарор асосида мактабимизни 2013 йилда қайта реконструкция қилиш мўлжалланмоқда. Демак, замонавий талаблар асосида билим бериш учун имкониятларимиз янада кенгаяди, мактабимиз истеъдодли ўғил-қизлар билан янада гавжумлашади.

Бола ниҳоят кузатувчан бўлади. Ўқитувчи болаларни ватанпарварлик, ҳалоллик, миллий қадриятларимизга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбияламоғи зарур. Бунинг учун, аввало, ўзи намуна бўлмоғи керак. Фарзандларимиз илм-фанда, спортда, санъатда ҳеч кимдан кам эмаслигини исботламоқда. Боланинг иқтидорини кашф этиб, салоҳиятини намоён қилишига кўмаклашиш баробарида мураккаб ҳаёт йўлида унга ҳамроҳ бўлиш – ўқитувчининг бурчи.

Президентимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир қиладиган муҳим ҳаётий омил таълим-тарбия тизими билан боғлиқ эканини таъкидлаб, "Келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади," дейди. Бу ўқитувчи ва мураббийлар зиммасига нечоғлик улкан масъулият юкланганидан далолатдир.

Фарида МАҲКАМОВА,
ЎзА мухбири.

Ко Дню учителей и наставников

ПРИВИВАЯ МЕТОДИЧЕСКИЕ НАВЫКИ

В инженерных войсках к сержантскому составу предъявляются особенно большие требования. Дело в том, что при обеспечении выполнения поставленных учебно-боевых задач отдельные подразделения, экипажи машин, небольшие команды и расчеты должны выполнять свою работу самостоятельно: вести инженерную разведку, проделывать проходы в минно-взрывных заграждениях, восстанавливать разрушенные участки дорог и многое другое.



Преподаватель цикла инженерного обеспечения Школы подготовки сержантов ЦВО майор Мухаммадисо Зарипов не устает повторять обучаемым: во всех этих случаях сержант является не только непосредственным техническим руководителем, но и организатором выполнения поставленной задачи. Именно ему, настоящему профессионалу своего дела, доверяются сложные инженерные машины, средства взрывания, забота о соблюдении мер безопасности подчиненным личным составом.

Закончив Самаркандское ВВАКИУ в 2001 году, офицер Мухаммадисо Зарипов за восемь лет службы прошел большую школу практической работы в войсках. Если к этому добавить опыт срочной службы, то можно смело говорить о том, что курсантам ШПС ЦВО есть чему поучиться у своего преподавателя и в инженерно-саперном деле, и в образцовом отношение к воинской службе, и дисциплине.

– Майора Зарипова, – говорит о нем начальник цикла инженерного обеспечения Школы подготовки сержантов подполковник Ж. Янгиев, – отличает хорошая методическая подготовка, умение найти индивидуальный подход к каждому обучаемому. На сегодняшний день это один из лучших наших преподавателей.

Сам отличный методист майор М. Зарипов на каждом занятии особое внимание уделяет методической подготовке будущих специалистов инженерного дела. Ведь по своему практическому опыту он знает, что сержанты и специалисты инженерных подразделений не только обучают своих подчиненных, но и привлекаются в качестве инструкторов в подразделения других родов войск при выполнении различных инженерных задач.

Педагогический талант у офицера Зарипова, можно сказать, наследственный. Его отец, Одилжон-ака, был преподавателем алгебры и геометрии в школе и приобрел такой большой авторитет у педагогов и учеников, что когда умер в 39 лет, школу, в которой он работал, назвали его именем.

И женат он на воспитательнице детского сада, и своих детей, сына и дочь, воспитывает достойными гражданами нашей страны.

В День учителей и наставников достойному офицеру, готовящему инженерные кадры для подразделений Вооруженных Сил, будет сказано немало слов благодарности от курсантов и выпускников школы. Благодаря полученным от него знаниям и приобретенным на занятиях навыкам, его воспитанники умеют не только работать сами, но и способны качественно обучать личный состав тому, что необходимо выполнять по боевому предназначению.

Это очень важно, когда наставник стремится воспитать в обучаемых будущих наставников. Значит, его знания и навыки будут передаваться дальше, словно по эстафете, способствуя повышению боеготовности инженерно-саперных подразделений, и, в целом, всех Вооруженных Сил нашего независимого государства.

Владимир КАЛОШИН.
Фото майора Аблая Камалова.

ТАРАҚҚИЁТ

Қарор ва ижро

ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

Мутахассисларнинг маълумотига кўра, 1990 йилларнинг бошида юртимиз фармацевтика бозоридаги маҳсулотларнинг атиги икки фоизи маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган. Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида фан ва техника тараққиётига кенг йўл очилгани, ишлаб чиқариш жараёни узлуксиз такомиллаштирилаётгани, инновацион технологияларни амалиётга жалб этишга қулай имконият яратилгани миллий фармацевтика саноатимизни шакллантириш ва ривожлантиришда муҳим омил бўлди.



1993 йилда "Ўзфармсаноат" давлат акциядорлик концерни ташкил этилди. Унинг таркибида дастлаб иккита ишлаб чиқариш корхонаси ва битта илмий текшириш институти мавжуд эди. Ҳозирги кунда бундай муассасалар сони ўттиздан ошади.

Мазкур корхоналарда фармацевтика бозорини сифатли дори воситалари билан таъминлаш, маҳаллий хомашёдан жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган дори-дармонлар ишлаб чиқариш борасида изчил иш олиб борилиши натижасида маҳсулот тури йилдан-йилга кўпайиб бораётир. Тизимдаги корхоналар замонавий ускуналар билан жиҳозлангани маҳсулот сифатини яхшилаш ва экспорт ҳажмини ошириш имконини бераётир.

"Ўзфармсаноат" давлат акциядорлик концернидан маълум қилишларича, ҳозирги кунда соҳа мутахассислари рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган, ички ва ташқи бозорда харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасидаги махсус чора-тадбирлар режаси асосида кенг кўламли ишларни амалга оширмоқдалар.

Бу жараёнда модернизация ва технологик қайта жиҳозлашни жадаллаштириш, харажатларни оптималлаштириш ҳисобига маҳсулот таннархини камайтириш, маҳаллийлаштириш имкониятларини ошириш, дори воситаларининг янги замонавий турларини ўзлаштириш, маҳаллий хомашё асосида янги дори воситаларини ишлаб чиқиш бўйича кооперация алоқаларини кенгайтириш, халқаро сифат стандартларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Ушбу дастур доирасида 2011 йилгача модернизация ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича қирқ бешта лойиҳа бажарилиши режалаштирилган. Ҳозирги кунгача учта лойиҳа якунига етди. Натижада қатор корхоналарда замонавий, юқори технологик жиҳозлар ўрнатилди ва янги авлод дори воситалари ишлаб чиқарила бошланди.

Фармацевтика саноатини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган илмий ва амалий лойиҳалар туфайли йигирма тўрт номдаги янги дори воситалари жорий этилди. «Новофарма плюс» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган цефалоспорин антибиотиклари, "Нобелфармсаноат" корхонаси ва «Радикс» илмий-ишлаб чиқариш корхонасида тайёрланаётган юрак-қон томир ва ошқозон-ичак касалликларини даволашда қўлланилаётган эналаприл, короним, омегаст сингари препаратлар бунга мисолдир. Ҳозир тўқсон тўрт номда импорт ўрнини босадиган ана шундай шифо воситалари ишлаб чиқарилмоқда.

– Дастлаб олти турдаги дори воситалари ишлаб чиқарар эдик, – дейди "Радикс" илмий-ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Абдуғафур Каримов. – Эндиликда маҳсулотларимиз тури саксондан ошди. Бундай имкониятга эришишимизда мамлакатимизда фармацевтика саноати корхоналари фаолиятини ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилгани муҳим омил бўлаётир. Биз ҳам ана шу йўналишдаги имтиёз ва шароитлардан самарали фойдаланиб, ишлаб чиқариш жараёнларига замонавий технологияларни кенг жорий этмоқдамиз.

Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини янада такомиллаштириш "Ўзфармсаноат" давлат акциядорлик концерни фаолиятининг муҳим йўналишларидандир. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалар кимёси, Биоорганик кимё, Полимерлар кимёси ва физикаси институтлари ҳамда Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликдаги илмий-тадқиқот ишлари натижасида ўндан зиёд шифо воситалари яратилди.

Фармацевтика корхоналарига халқаро сифат стандартларини жорий этиш ишлари изчил амалга оширилмоқда. Соҳада биринчилардан бўлиб ИСО 9001 халқаро сифат сертификатига сазовор бўлган "Сарбонтекс" қўшма корхонаси маҳаллий хомашёдан тиббиёт пахтаси ва боғлов воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ҳозирги кунда бу ерда ишлаб чиқарилаётган қирқ хилдан кўпроқ маҳсулот экспорт қилинмоқда.

«Новофарм плюс», «Фарм Гласс», «Мед Гласс», «Жўрабек» сингари корхоналарда ҳам GMP ва ИСО 9001 сифат менежменти халқаро талаблари жорий этилди.

Мамлакатимиздаги фармацевтика корхоналарида ишлаб чиқарилаётган препаратларнинг сифатини жаҳон андозалари талаблари даражасига олиб чиқишга қаратилаётган бундай эътибор туфайли маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларига хорижда ҳам қизиқиш ортиб бораётир. "Нобелфармсаноат" корхонасида ишлаб чиқарилаётган яллиғланишга, замбуруғларга ҳамда аллергияга қарши, оғриқ қолдирувчи ва тиббиётнинг бошқа кўплаб йўналишларида фойдаланиладиган маҳсулотларнинг эскпорт кўлами тобора кенгаяётгани бунга мисолдир. Корхона лабораторияси маҳсулотларни дунё сифат стандартларига кўра юқори аниқликда назорат қилиш имконини берадиган замонавий технологиялар билан жиҳозлангани маҳсулот ҳажмини ошириш ва сифатини такомиллаштиришда муҳим омил бўлиб келмоқда.

Олимлар ва мутахассислар фармацевтика тармоғини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган ўттиздан зиёд инновацион лойиҳа асосида илмий изланиш олиб бормоқдалар. Бунинг натижасида яратилаётган тиббий препаратлар нафақат мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасида, балки жаҳон тиббиётида кенг қўлланилаётир. Юрак аритмиясини даволашда яхши самара берадиган "аллапинин", сариқ касаллигига қарши "мегосин", қон тўхтатувчи "лагоден", шамоллашга қарши "бензкетозон" сингари препаратлар бунга мисол бўла олади.

Илм-фаннинг ушбу йўналишдаги ихтиро ва ютуқларини янада такомиллаштириш ва фармацевтика саноатини ривожлантиришда Президентимизнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори муҳим омил бўлаётир. Ушбу йўналишда анъанавий ўтказилаётган инновацион технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаларида фармацевтика саноати корхоналари ҳам фаол иштирок этмоқда. Биринчи ярмаркада ушбу корхоналар ва харидорлар ўртасида 250 миллион сўмлик шартнома имзоланган бўлса, иккинчи ярмаркада бу кўрсаткич 366 миллион сўмдан ошди.

Энг муҳими, мамлакатимиз фармбозорида маҳаллий корхоналаримиз улуши йилдан-йилга ошиб бораётир. Бу юртимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар самараларидандир.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири.

ЯНГИ АВТОБУС ТАҚДИМОТИ

Самарқанд автомобиль заводида янги, «SamAuto LE 60» русумли автобуснинг дастлабки намунаси ишлаб чиқарилди.





Истиқлол йилларида Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз ишлаб чиқариш саноатида янги автомобилсозлик тармоғи вужудга келди ва жадал ривожлана бошлади. Айни пайтда Асака шаҳридаги "GM-Uzbekistan" қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган турли русумдаги енгил автомашиналар, Самарқанд автомобиль заводида тайёрланаётган автобусларни нафақат юртимиз, балки бир қатор узоқ-яқин мамлакатларда ҳам учратиш мумкин.

Янги автобуснинг тақдимот маросимида паст пойгакли биринчи ўзбек автобусининг яратилиши дунё автомобилсозлик саноатида мамлакатимиз муносиб ўрнини топиб бораётганидан далолат экани таъкидланди.

Яқинда «JV-MAN Auto-Uzbekistan» қўшма корхонаси билан ҳамкорликда заводда «MAN» русумли юк машиналари чиқарила бошлаган эди. Ушбу янги модель ҳам Самарқанд автомобиль заводи маҳсулотлари турини кўпайтириш, истеъмолчиларнинг эҳтиёж ва талабларини қондириш, замонавий технологияларни ўзлаштириш борасидаги изланишлар самараси бўлди.

«SamAuto LE 60» ҳар жиҳатдан шинам салон ва юмшоқ ўриндиқларга эга. Йўловчилар тушиб-чиқиши пайтида машинанинг ўнг томонга эгилиши учун махсус тизим ўрнатилган. Шунингдек, автобусда имконияти чекланган йўловчилар учун ҳам бир қатор қулайликлар яратилган.

Автобусни лойиҳалаштиришда хавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор берилган. Ундаги замонавий тормоз тизими нотекис ва сирпанчиқ йўлларда ҳам автобуснинг хавфсиз ва эркин ҳаракатланишини таъминлайди. Узунлиги 7,9 метр, максимал оғирлиги 9,8 тоннани ташкил этувчи янги автобус 60 йўловчи ўрнига эга. Янги машина тежамкорлиги билан ҳам ажралиб туради. Автобус двигатели капитал таъмирсиз бир миллион километргача йўл босиш имконини беради.

Ғ. ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири.

Рақамлар – тараққиётдан сўзлар

ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТНИНГ ЎСИШ СУРЪАТИ

Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси берган маълумотларга биноан жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ялпи ички маҳсулотнинг юқори ўсиш суръатларига макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ҳисобидан эришилди. Бунда аввало давлат бюджетининг мувозанатлашганлиги муҳим аҳамият касб этди. Аниқроқ қилиб айтганда, давлат бюджети даромадлари жорий йил биринчи ярим йиллигининг прогноз кўрсаткичларига нисбатан 101,1 фоизни ташкил этди, профицит эса ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,9 фоиз бўлди. Таъкидлаш лозимки, бизнесга солиқ юкини камайтиришга доир кўрилган чора-тадбирлар хусусий сектор корхоналарида ишлаб чиқаришни фаоллаштиришга ёрдам берди. Бунинг натижасида даромад солиғи бўйича тушумлар ўтган йилнинг шу даврига қараганда 42,6 фоиз, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови эса 36 фоизга ўсди.

Навбатдаги омил сифатида пул бозоридаги мувозанат ва миллий валютанинг барқарорлиги келтириб ўтилган. Дарҳақиқат, инфляцияга қарши юритилган фаол сиёсат ва истеъмол бозорининг зарур товар ҳамда хизматлар билан тўлдирилиши натижасида инфляция жараёнлари секинлашди. Пул массаси ва сўм айрибошлаш курсининг ўзгариши белгиланган параметрлардан ошмади. Аҳолининг банклардаги депозитлари 19,3 фоизга кўпайди.

Мамлакат тўлов балансининг барқарорлиги ва ташқи савдонинг юқори ижобий сальдоси ҳам ялпи ички маҳсулот ўсишини таъминлашда муҳим бўлди. Бунга экспортнинг юқори суръатда ўсиши, жумладан, энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари (1,6 марта), машиналар ва ускуналар (116,2 фоиз), кимё маҳсулотлари (148,0 фоиз), хизматлар (125,8 фоиз) ҳисобидан эришилди.

И. ҚУРБОНОВ тайёрлади.

ЭҲТИРОМ

БУЮК АЖДОДЛАР АНЪАНАСИГА САДОҚАТ

Хоразм... Кўкка бўй чўзган минорлар унинг шонли кечмишидан сўйлаб тургандек, ҳамон олам аҳлини мафтун этиб турган кўҳна шаҳарлар ўткир заковат соҳиблари бўлган улуғ аждодлар руҳи-ю замондошлар муҳаббатидан куч олаётганга ўхшайди. Хоразм... улуғ шайх, улуғ ватанпарвар Нажмиддин Куброга Ватан бўлган маъво, озодлик ишқида ўн йил малъун Чингиз билан курашиб, мўғул босқинчиларини аёвсиз қирган шерюрак жангчи султон Жалолиддин Мангубердининг киндик қони томган юрт. Хоразм... жаҳон тамаддуни бешикларидан бири, илм ва маърифат ўлкаси. Ўрта Осиё тарихидаги биринчи академия — Маъмун академияси ҳам шу заминда ташкил топган. Хоразм Маъмун академиясида ўз даврининг машҳур кимёгарлари, табиатшунослари, тиббиётчилари, математиклари, астрономлари, муҳандис олимлари, мантиқшунослар, файласуфлар, тарихчилар, географлар фаолият олиб борганлар. Хоразм буюк аждодлар анъаналарини муносиб давом эттириб келаётган саховатли диёрдир.

Шу диёрда туғилиб ўсган академик Азимбой Саъдуллаев номини нафақат юртимизда, балки хориж давлатлари фан оламида ҳам яхши биладилар. Бу инсон Хоразм вилояти Шовот туманининг олис Моноқ қишлоғида туғилиб ўсган. Бу гўша юртимизга Комилжон Отаниёзовдек оташнафас ҳофизни берган. Яна уч нафар профессорлари борлиги билан моноқликлар фахрланишади. Умуман бу ердан кўплаб илм ва санъат аҳллари етишиб чиққан. Қуйида маърифатли ўлканинг маърифатли фарзанди, аниқ фанлар билимдони, фанимиз жонкуярларидан бири, фидойи олим Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги Азимбой Саъдуллаев ҳақида ҳикоя қиламиз.

ИСТЕЪДОДЛИ ЖАЖЖИ ИНСОН

... синф сув қуйгандек жим-жит. Юқори синф ўқувчилари бўлган йигит-қизларнинг бироз хижолат ва ҳайратда тўла нигоҳлари доскага қадалган. Жажжи болакай доскада ҳафсала билан математик амалларни бажарарди. Бўйи пастлигидан оёғининг тагига стул қўйилган. Ниҳоят амалларни бажариб бўлгач, муаллим унинг стулдан тушишига ёрдамлашди ва ўқувчиларига қарата:

– Кўриб қўйинг, ўрганинг, шу кичкина боланинг ақли етган нарсага қийналиб турган бўлсангиз...

Ўқувчилардан садо чиқмади. Ахир ким ўйлабди шу миттигина Азимбой бирорта ҳам хатога йўл қўймай шунча мисолларни ечиб ташлашини. Устоз болакайга рухсат берди. У чопқиллаганича синфдан чиқиб кетди. Унинг ортидан ҳавас билан қараб қолдилар.

Кичкина Азимбой бошланғич мактабга тенгдошларидан анча эрта қадам қўйди. Дастлаб унинг мактабга, ўқишга бўлган қизиқишини болалик ҳавасига йўйдилар. Болакай бирмунча вақт ўтгач ўқишдан зерикиб қолишига катталар ишонган эдилар. Аммо у астойдил ҳаракат қилаётганди.

Азимбойнинг онаси Розия опа уруш йиллари мактабда муаллималик қилган. Ўғли ҳали мактаб ёшига етмаганлиги сабабли уни мажбуран уйда қолдиришга ҳаракат қилиб кўрди. Орадан бирикки ой вақт ўтди. Кунлар ҳам совиб кетди. У ҳамон мактабга қатнарди. Аммо уни расман синф журналига қайд этмаган эдилар. Болакай бу нарсага эътибор ҳам бермасди. Розия опа сўнгги чорани қўллаб кўрди. Эрталаб мактабга ишга жўнашидан олдин Азимбойни уйда қолдириб устидан қулфлаб кетди. Кичкинтой эшикни очиш учун астойдил уринди. Эшикка кучи етмагач деразани бир амаллаб очди-ю пастга сакради... ва қувонч билан мактаб томон югурди... Катталар илож-сиз қолдилар... ва Азимбой шундан сўнг мактабга расман қабул қилинди. У мактабда аъло баҳолар билан ўқиди. Аниқ фанларга алоҳида иқтидори борлигини ўша пайтлардаёқ намоён қилган эди.

ҚИШЛОҚДАГИ ЁШ МУАЛЛИМЛАР

Ёшликка яратувчанлик, бунёдкорлик, мисли-сиз куч-ғайрат ва ташаббускорлик хос. Эллигинчи йилларнинг охирида чекка қишлоқларга ҳам марказий шаҳарлардан ёш муаллимлар ишга юборила бошлади. Бу ҳақда академик Азимбой ака Саъдуллаев шундай эслайди:

– Ўша йиллари қишлоғимиздаги мактабда бир гуруҳ ёш муаллимлар иш бошладилар. Улар шу қадар ғайрат билан ишлар эдиларки, бу ҳолат табиий равишда биз ўқувчиларга ҳам кўчди. Ўқувчилар орасида аниқ фанларга бўлган қизиқиш кучайди. Биз дарслардан кейин қолиб, иштиёқ билан турли математик амалларни бажарар эдик. Ёш зиёлилар мактабимизга ўзлари каби мусаффо бир иқлим олиб кирган эдилар. Бугунги кунда ҳам фидойи муаллимлар ҳақида гап кетганида мен беихтиёр ўқувчилик йилларимни, шижоатли, тиниб-тинчимас ўша ёш муаллимларни эслайман. Ва ёшликнинг беқиёс куч эканлигини кўнглимдан ўтказаман.

Эндиликда ўша зиё маскани негизида иқтидорли ёшлар мактаб-интернати фаолият кўрсатмоқда. Бу билим даргоҳи ҳам кўплаб истеъдодли ўқувчилари билан фахрланса арзийди. Мазкур мактаб-интернатни муваффақиятли тамомлаган кўплан-кўп ёшлар мамлакатимизнинг турли олий ўқув юртларида таҳсил олишмоқда.

Қишлоқ мактаби таниқли олимнинг турли дарсликлардан иборат совғаларини мамнуният билан қабул қиладилар. Моҳир педагог иқтидорли болаларни рағбатлантиришга ҳам катта эътибор бериб келмоқда.

ИЛМ ЙЎЛИ – ЗАҲМАТ ЙЎЛИ

Азимбой 1963 йили Тошкент давлат университетининг (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) механика-математика факультетига ўқишга кирди. Ва шу вақтдан бошлаб илм олишнинг заҳматли йўли бошланади.

1966 йилдан бошлаб у ўқишни Москва давлат университетининг механика-математика факультетида давом эттирди. Бундай нуфузли даргоҳда таҳсил олишнинг ўзи бўлмайди. Азимбой аниқ фанларнинг билимдони эди. Бу борада унчамунча математиклар унинг олдига туша олмасди. Бироқ ўзининг нималарга қодир эканлигини амалда намойиш этишга рус тилидан қишлоқ мактабида олган билими камлик қилар эди. Қисқа вақт ичида рус тилини мукаммал ўрганиб олди.

Бутун компьютер технологиялари катта янгилик бўлмай қолди. Бироқ, олтмишинчи йилларда уни ўрганиш катта ҳодиса эди. Ҳатто саксонинчи йилларда ҳам мактабларда «информатика» фани бўлиб, рус тилидан қилинган таржималар асосида назарияси баҳоли қудрат тушунтирилар эди. Бу фан Тошкент давлат университетида ўқитилмасди. Москва давлат университетида эса аллақачон имтиҳонлар ҳам тугаган эди. Ана шундай шароитда талаба йигит информатика асосларини мустақил равишда ўрганди. Ва мазкур фан бўйича имтиҳондан аъло баҳо олди. Бу унинг биринчи имтиҳони эди. Азимбой Саъдуллаев дастлабки илмий ишини тўртинчи курсдаёқ ёзган эди. Иқтидорли ёш олимнинг мазкур иши математикларга яхши таниш бўлган Фату мисолига бағишланган бўлиб, олинган натижа мутахассислар томонидан юксак баҳоланди ва Россия фанлар академиясининг нуфузли нашри «Математические заметки» журналида чоп этилди.

Университетни муваффақиятли тамомлагач, Функциялар назарияси ва функционал анализ кафедраси тавсиясига кўра таниқли олим Б.Шабат раҳбарлигида аспирантурага қабул қилинди. Унинг кейинги ишлари классик назария – бутун функциялар назариясига бағишланган бўлиб, бу ишлар асосида номзодлик илмий ишини ёқлади.

Ўтган асрнинг 70 -80-йилларида мутахассислар олдида кўп комплекс аргументли голоморф функциялар учун жавоб берадиган «Комплекс потенциаллар назарияси»ни яратиш муаммоси турар эди. Иқтидорли ёш олим ўз илмий ишларини ана шу йўналишга бағишлади. Океан ортининг таниқли математик олимлари Э.Бедфорд ва Б.Тейлорлар билан биргаликда бу назария асосини ва қўллаш принципларини яратишда фаол иштирок этди. Мазкур назария 1982 йилга келиб тўлиқ шаклланди. Бу ҳозирги кунда функциялар назариясининг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Олим бу ҳақда шундай хотирлайди:

– Москвада бир хонали ижара уйда ҳамкасбим билан ижод қилардик. Қатъий иш тартибини белгилаб олганмиз. Кечқурун соат еттилардан тунги соат биргача ишлаймиз. Ўзбекона таом тайёрлаб овқатланган, яна тонгги бешгача ишлаймиз. Биз илмий мунозара ва семинарларга тайёрланар эдик. Булар одатда тушликдан кейин, соат учларда бошланар эди. Бу вақтга қадар дам олишга ҳам улгуриб, тун билан олинган натижаларни таниқли математиклар А.Гончар, А.Витушкин, Б.Шабат, Е.Чиркалар иштирокида муҳокама қилар эдик. Илмий анжуманларда маърузаларим билан иштирок этар эдим.

Иқтидорли олимнинг бу сай-ҳаракатлари ўз самарасини берди. У бир қатор фундаментал теоремалар яратди. 1982 йилда докторлик илмий ишини муваффақият билан ёқлади.

Азимбек ака институтда таҳсил олиб юрган вақтларидаёқ илмий изланишлар олиб боришни бошлаган ва ўз ишлари билан мутахасислар эътиборини тортган эдилар. У кишининг математика фани бўйича қилган илмий ишлари бугунги кунда саксондан ошиб кетади. Олимнинг бевосита раҳбарлиги остида тайёрланган номзодлик ишлари ўндан ортиқ. Бундан ташқари бир қатор докторлик ишларида илмий маслаҳатчи бўлганлар. Буларнинг барчаси олимнинг фанимиз ривожига салмоқли улуш қўшганларини кўрсатиб турибди.

Илм-фанда чегаралар бўлмаслиги унинг ривожини таъминлаши шубҳасиз. Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда халқаро илмий ҳамкорликни ривожлантириш ишларига катта эътибор қаратилди. Бундай илмий алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашда фидойи олимнинг ҳам хизматлари катта. Хориж аниқ фанлар оламида таниқли бўлган академик Азимбой Саъдуллаев йигирмадан ортиқ Европа ва Осиё давлатлари, Америка Қўшма Штатлари ва Канада илм масканларида, нуфузли илмий анжуманларда ўз маърузалари билан қатнашиб келмоқда.

ЖЎШҚИН ФАОЛИЯТ

Олимнинг фаолияти фақат илмий ишлардан иборат эмас. Азимбой ака Садуллаев бир неча йиллар Тошкент давлат университети (Ўзбекистон Миллий университети)да декан вазифасида ишлади. 1992 йилда Урганч давлат университети ректори лавозимида иш бошлади. Бу ерда ўн беш



йилдан ортиқроқ вақт давомида фаолият юритди. Университетда унинг раҳбарлиги остида қатор ўзгу ишлар амалга оширилди. Ўқув жараёни сифатини тубдан яхшилаш, иқтидорли талабаларни янада қўллаб-қувватлаш, илмий анжуманлар ташкил қилиш, малакали мутахассисларни жалб қилиш шулар жумласидан. Бундан ташқари хориж давлатлари илмий марказлари билан алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. Булар ўз навбатида Урганч давлат университетининг қисқа вақт ичида халқаро миқёсда тан олинишига ҳисса қўшди.

Азимбой Саъдуллаев 1997 – 2002 йилларда Хоразм Маъмун академияси раиси (ўринбосарлик асосида) вазифасида ишладилар. 2003 – 2007 йилгача мазкур академиянинг раиси бўлганлар. Айни кунда ҳам Хоразм Маъмун академияси билан яқин илмий ҳамкорлик қилиб келмоқдалар. Буни беш йилга мўлжалланган илмий тадқиқот ишига раҳбарлик қилиб келаётганлари ҳам яққол тасдиқлаб турибди.

Шогирдлари у киши ҳақида шундай таъкидлашади: забардаст олим, шижоатли раҳбар, моҳир педагог, талабчан устоз, бағрикенг инсон... Ҳа, шогирдлар бу юксак эътирофларида ҳақ-дирлар.

ВАТАНГА ҚАДАЛГАН НИГОҲЛАР

Мустақилликнинг дастлабки йилларида юртимизда кечган бирмунча қийинчиликлар ҳали кўпчиликнинг ёдида, албатта. Бу ҳолатни ўзига хос синов даври ҳам дейиш мумкин. Ана шундай вақтларда яхши ҳаёт илинжида юртни тарк этганлар ҳам кўп бўлди. Афсуски, бундай кишилар зиёлилар орасида ҳам бор эди. Ўша вақтларда ҳам таниқли олим Азимбой Саъдуллаевни чет эллар фан оламида яхшигина билар эдилар. Ва унга ҳам яхши шароитлар вада қилингани ҳолда хориж давлатларида ишлаши учун таклифлар тушди. Шу ўринда академик А.Саъдуллаевнинг мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик:

– Мен Ватан ҳақида чиройли гаплар гапиришни билмайман. Бир вақтлар юргдан чиқиб кетган олимлар бугун кўнгиллари тилаганидай яхши яшаётганларини ўзаро суҳбатларда таъкидлайдилар. Аммо ана шу суҳбатларда кўнгилларининг тубида яшириниб ётган Ватан соғинчи қўзларида беихтиёр акс этиб қолади. Кўзлари Ватанда эканлигини сезасиз... Қийинчиликлар ҳамма жойда ҳам бор. Миллатимизнинг ўзига хос анъаналари, урф-одатлари кўп. Тўйлари, миллий байрамлари бетакрор. Бир-бирини қутловчи, дўстларини қувончла чорловчи юртдошларимиз, донишманд қарияларимиз, доно ва ўктам ёшлар, бегубор болалик – буларда Ватан акси бор...

ОТ ИЗИНИ ТОЙ БОСАР

Таниқли олим айни кунларда Ўзбекистон Миллий университетида фаолият юритмоқда. Бу ерда профессорлар Гулмирза Худойберганов, Азизжон Борисов, Баҳодир Шоимқулов, Севдиёр Имомқулов каби фан фидойилари билан бирга хизмат қилмоқдалар. Талай шогирдлар устоз ишончини оқлаб, илм йўлида заҳмат чекмоқдалар. Доцентлар Тоҳир Тўйчиев, Назиржон Султонов, Рўзимбой Мадраҳимов, Баҳромбой Абдуллаев каби шогирдлари фан оламида улкан ютуқларни қўлга киритишларига устозининг ишончи комил.

Фарзандлар ҳам оталари каби илм йўлини танладилар. Қизлари Нилуфар, Умида, Шаҳло, Азизалар турли соҳаларда меҳнат қилишиб, жамиятда ўз ўрнларини муносиб эгалладилар. Фарзандлари орасида Сарварженнинг алоҳида қобилият эгаси эканлигини таъкидлаб ўтсак арзийди. Йигитча ўн олти ёшга тўлиб-тўлмай Москва давлат университетининг талабаси бўлди. От изини той босар деб шунга айтсалар керак.

Азимбой ака Саъдуллаев ҳали янада улкан илмий-педагогик ишларни амалга оширадилар, деб ўйлаймиз. Чунки фидойи олимнинг айни кундаги сай-ҳаракатлари буни кўрсатиб турибди. Биз эса миллатимизнинг фахри бўлган бу инсонга улкан ижодий ғояларни амалга ошириш йўлида мустаҳкам соғлиқ, муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

ЁЗГИ ОЛИМПИАДА

ТАЖРИБА ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ҒАЛАБАНИ ТАЪМИНЛАДИ














Сержантлар тайёрлаш мактаблари жамоалари ўртасида илк бора ўтказилган ёзги олимпиада ўз ниҳоясига етди. Таъкидлаш жоизки, ёзги олимпиаданинг биринчи босқичи – олий ҳарбий билим юртлари жамоаларининг беллашувларидан сўнг бўлиб ўтган мусобақалар ҳам шиддатли ва қизиқарли тарзда кечди. Беш йўналиш, 13 та тур баҳсларидан иборат олимпиадага Тошкент ҳарбий округининг сержантлар тайёрлаш мактаби мезбонлик қилди.

Маълумки, ёзги олимпиада иштирокчиларининг ҳар бири ғалаба нашидасини суриш, зафар қучиш йўлида бор маҳорати, кучи ва билимини сафарбар қилганлиги сабабли, кескин ва муросасиз баҳсларга гувоҳ бўлдик. Кўплаб вазиятларда эса тажриба ва кўникма ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги яққол кўзга ташланди.

НИШОН – ПЕШҚАДАМЛИК

АК-1 ва ПМ-1 машқларини бажариш бўйича баҳсларни ўз ичига олган нишонга ўқ отиш тайёргарлиги синови барчада катта қизиқиш уйғотгани аниқ. Жанговар қуроллардан белгиланган нишонга отишда Шимоли-ғарбий ҳарбий округ жамоаси 3-ўринни эгаллади. Ёзги олимпиада дастуридан жой олган жисмоний тайёргарликнинг биатлон, стол тенниси каби турларидан ғолиб бўлган Шарқий ҳарбий округ сержантлар тайёрлаш мактаби жамоаси иккинчи ўринга лойиқ топилди. Жанговар қурол билан «муомала» қилиш, мерганлик бобида бошқа жамоа қатнашчиларига нисбатан кўпроқ тажрибага эга мезбонлар пешқадамликни аниқ «мўлжал»га олиб, ғолиб бўлдилар.

– Жамоамиз ютуғига муносиб ҳисса қўшиб, командирлар ва сафдошларим ишончини оқлаганимдан, албатта, хурсандман, – дейди нишонга отиш машқларини бажаришда энг юқори натижани қайд этган Тошкент ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактаби курсанти Р. Гулматов.

– ПМ-1 машқида кўрсаткичим билан иккинчи ўринни эгаллаган бўлсам-да якуний натижада ундай бўлмади. Афсуски, жамоадошларим бу борада керакли очколарни йиға олмади, – дейди бир оз ачиниш билан Шимоли-ғарбий ҳарбий округ сержантлар тайёрлаш мактаби курсанти У. Худойқулов.

ТЎРТ ОЧКОЛИК ТАФОВУТ

«Билимдонлар блоки»дан ўрин олган «Билимдонлар беллашуви» ва «Балли, йигитлар» танлови ёзги олимпиадани якунлаб берди.

Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округ сержантлар тайёрлаш мактаби «Билимдонлар беллашуви»да интеллектуал салоҳияти ва билим даражаси юксак эканлигини исботлаб, биринчи ўринни қўлга киритди. Бироқ, ёзги олимпиаданинг бошқа турлари бўйича шоҳсупанинг энг юқорисиға кўтарилиш ушбу жамоага насиб этмади. Мазкур беллашувда иккинчи ва учинчи ўринларга Шарқий ҳарбий округ ва Тошкент ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактаблари лойиқ топилди.

Тўртта шартдан иборат «Балли, йигитлар» танлови томошабинларга олам-олам завқу шавқ бағишлабгина қолмай, ҳарбий хизматчиларнинг нафақат жанговар ва жисмоний тайёргарлик, юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлидаги масъулият ҳиссини теран англаш, балки ҳазил-мутойиба, ҳозиржавоблик, топқирлик ва актёрлик маҳоратини намойиш этиш бобида ҳам анчайин фаол эканликларини яна бир бора исботлади.

Таништирув шартида Тошкент ҳарбий округи жамоаси юқори натижани кўрсатган бўлса, Марказий ҳарбий округ сержантлар тайёрлаш мактаби энг кам очко тўплади (!)

Сардорлар танловида эса юқоридаги ҳолатнинг деярли аксига гувоҳ бўлдик. Айнан Марказий ҳарбий округ жамоаси сардори зукко ва топқирликда тенгсиз эканлигини намойиш этган бўлса, Тошкент ҳарбий округ сержантлар тайёрлаш мактаби вакили тўртинчи ўрин билан кифояланди.

Буни қарангки, учта шартда биринчиликни қўлга киритган мезбонлар танлов якунида ғолибдан тўрт очколик фарқ билан иккинчи ўринга лойиқ топилдилар. Худди шу шартда иккинчи ўринни эгаллаб, қизиқарли чиқишлари билан томошабинлар меҳрини қозонган Шимоли-ғарбий ҳарбий округ сержантлар тайёрлаш мактаби учинчи ўринни эгаллади.

– Барча шартларга бирдек пухта тайёргарлик кўрганимизда, эҳтимол, бунданда юқорироқ натижа кўрсатардик, – дейди Шимоли-ғарбий ҳарбий округ сержантлар тайёрлаш мактаби курсанти Ҳамид Кутимов.

Танловни анча муваффақиятсиз бошлаган ва сардорининг ажойиб чиқишидан руҳланган Марказий ҳарбий округ жамоаси эса ишончли ва муҳим ғалабани қўлга киритди.

– Жамоамга далда ва мадад бўла олдимми, демак юклатилган асосий вазифани адо этдим, деб ҳисоблайман, – дейди танловда биринчиликка сазовор бўлган жамоа сардори курсант Расулбек Юсупов.

МАРРА – МЕЗБОНЛАРНИКИ

Кўплаб вазиятларда тажриба ва кўникма ҳал қилувчи аҳамият касб этганлигини юқорида таъкидлаб ўтгандик. Шунинг учун ҳам якуний натижаларга кўра, Тошкент ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактаби жамоасининг юқори ўринни эгаллаганлигини кўпчилик учун кутилган воқеа бўлди, деб баҳолаш мумкин. Чунки, мазкур ўқув масканида таҳсил олаётган курсантларнинг хизмат ва ҳаётий тажрибаси, малакаси бошқа курсантларга нисбатан юқори. (Чунки, улар бундан олдин ҳам сержантлар тайёрлаш мактабида таҳсил олганлар). Албатта, ушбу ҳолат мусобақаларнинг шиддати ва савиясига ўз таъсирини ўтказмади. Қайсидир маънода бундайин мусобақаларни тажриба ва шижоатнинг, малака ва ғайратнинг, амалиёт ва назариянинг ўзаро беллашувига менгзаш мумкин.

– Умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни қўлга киритдик, – дейди Шарқий ҳарбий округ сержантлар тайёрлаш мактаби офицери Маҳамадумар Мамадалиев. – Ушбу ютуқ округ ва мактабимиз қўмондонлигининг эътибори самараси, десам хато бўлмайди. Курсантларни ёзги олимпиадага тайёрлашда ҳарбий жамоамиз офицерлари – Фарҳод Тўрақулов, Толибжон Мансуров, Одил Абдуллаев, Умид Турдиқуловларнинг ҳиссасини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шунингдек, Марказий ҳарбий округ сержантлар тайёрлаш мактаби жамоаси ҳам мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, учинчи ўринни эгаллади.

Ёзги олимпиада ёпилиши ҳамда ғолиб ва совриндорларга диплом, қимматбаҳо совғаларни топширишга бағишланган маросимда Мудофаа Вазирининг биринчи ўринбосари – Қуролли Кучлар Бирлашган штаб бошлиғи генерал-майор А. Косьяненко, округ қўмондони генерал-майор В. Маҳмудов, Мудофаа вазирлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар. Шунингдек, тантанали тадбир давомида мусобақаларда фаол қатнашиб, юқори натижаларни қайд этган курсантларга Қуролли Кучлар Бирлашган штаб бошлиғининг «Эсдалик нишони» топширилди.

Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли санъаткорлари тақдим этган концерт дастури тадбирга ўзгача файз бағишлади.

Дарҳақиқат, сержантлар миллий армиямиз суянчи ва таянчидир. Шунинг учун ҳам уларга юксак ишонч билдириш баробарида ҳарб илмини пухта ўзлаштириш ва малакасини ошириш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яхшилашга катта эътибор берилмоқда. Бугунги кунда сержантлар тайёрлаш мактабларида курсантларни ўқитиш, мутахассисликлар бўйича зарур ва энг муҳими, сифатли билим бериш, ўқув жараёнига юқори малакали ўқитувчи, йўриқчиларни жалб этиш, назарий билимлар ҳамда амалий машғулотлар билан уйғунлигини таъминлаш, машғулотларни ўтиш жараёнида замонавий усул ва воситалар, янги ўқув қўлланмаларидан фойдаланиш, хуллас, асл профессионалларни тайёрлаш учун барча зарур шароитлар яратилган, десак муболаға бўлмайди. Сержантлар тайёрлаш мактаблари жамоалари ўртасида кўтаринки руҳда ўтказилган, ёшлик, камолот, маҳорат ва спорт байрами деян олган ёзги олимпиада мусобақаларида нафақат курсантлар балки уларнинг устозлари, ўқитувчилари, аниқроғи, улар берган билим, орттирилган кўникма, куч ва маҳорат синовдан ўтди, дейиш мумкин.

Капитан Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

СПОРТ

Многоборье ВСК

СОСТЯЗАНИЕ В СИЛЕ, ЛОВКОСТИ, ВЫНОСЛИВОСТИ

Чемпионат войск Министерства обороны по многоборью военно-спортивного комплекса, проходивший на спортивной базе СВВАКИУ, именно этим и был интересен. Ведь в ходе состязаний военнослужащие укрепили такие важные для каждого воина качества, как сила, ловкость и выносливость.

ПОПРОБУЙ, ДОГОНИ МАЙОРА!

Победитель Первых Всеармейских игр именно в этом виде спорта майор Туйгун Тожиев из ТВОКУ недаром считался одним из главных фаворитов в первой возрастной группе. Мастер спорта показал себя в отличной форме, подтянувшись на перекладине 41 раз! У младшего сержанта Умиджона Салимова и рядового по контракту Дениса Тяна (ЧВТКИУ) результат скромнее, 34 раза, но и выступают они во второй возрастной группе.

Забегая вперед, хочется подчеркнуть: майор Т. Тожиев вновь сумел набрать мастерскую сумму баллов. Он пробежал стометровку за 12,1 секунды, преодолел полосу препятствий за 1 минуту 39,43 секунды, показал на дистанции кросса в 3000 метров отличное время – 10 минут 27 секунд. И набрал 4956 очков!

Если на перекладине безраздельно властвовал майор, то в беге на 100 метров лучшее время показал курсант СВВАКИУ Гулом Бобоназаров (11,7 секунды), второе время у младшего сержанта Кудрата Абдурахимова (11,8) и третье у курсанта Бекзода Назарова (11,9) из ТВОКУ.

По итогам первого дня состязаний может сложиться впечатление о том, что основная борьба развернулась между командами трех военных училищ. Однако в многоборье подсчет в командной борьбе идет по результатам всех шестерых спортсменов, борющихся за победу в трех возрастных группах. Так что команда майора Акмаля Абдуразакова именно в силу того, что члены ее выступали ровно и сильно, уже с первого дня шла в лидерах. К тому же младший сержант К. Абдурахимов представляет цвета именно этой шестерки.

Так, в командном зачете по итогам бега на 100 метров этот коллектив стал сильнейшим, опередив команды ТВОКУ и СВВАКИУ. В подтягиваниях он опять стал вторым, немного уступив СВВАКИУ, а третья сумма была у команды майора Фаёза Нажмиддинова.

ДЕНЬ НАДЕЖДЫ ЧВТКИУ

Начальника физической подготовки и спорта ЧВТКИУ подполковника Хусана Кучкарова можно было понять. Команда с большим успехом выступила на Летней олимпиаде среди ВВОУ, а первый день многоборья принес такое отставание. И вот, именно в ходе выполнения общего контрольного упражнения на единой полосе препятствий команда из Чирчика набрала наилучшую сумму баллов. Однако команда майора А. Абдуразакова упорно идет следом, отстав всего на 856 очков. И третью сумму набирают спортсмены хозяев состязаний.

Глядя на капитана Дильшода Мусакулова из Специального факультета ТУИТ, точно метнувшего первую же гранату в нужный квадрат, ожидал от него лучшего результата. Но фора на старте была растеряна после неловкого преодоления препятствий. В этом плане опять образец показал майор Т. Тожиев, который пронесся по полосе на одном дыхании. 1 минута 39,43 секунды – это лучшее время дня! Всего 16 сотых секунды уступил ему курсант Гулом Бобоназаров, а курсант Бекзод Назаров отстал лишь на 32 сотые секунды.

В командном зачете наивысшую сумму баллов на полосе набрали спортсмены ЧВТКИУ, второе место у команды майора А. Абдуразакова, которой чуть меньше ста баллов проиграли многоборцы СВВАКИУ. Перед последним видом, кроссом, у ЧВТКИУ забрезжила надежда вытянуть счастливый билет.

КО ДНЮ РОЖДЕНИЯ – ПОБЕДА!

Если фавориты решали свои тактические и стратегические задачи, то представители остальных команд просто получали удовольствие от участия в состязании с такими мастерами. Однако и они порой преподносили сюрпризы. Так, дистанцию бега на 1000 метров в третьей возрастной группе выиграл младший сержант Давронбек Балтабаев из Северо-Западного военного округа.

– Мой друг сегодня празднует свой день рождения, – подошел просить за него младший сержант Шодимурат Жаликеев. – Конечно, он не чемпион, но очень любит спорт, и третий год принимает участие в чемпионате по многоборью ВСК.

И был приятно удивлен, узнав о том, что младший сержант Д. Балтабаев с результатом 3 минуты 4 секунды выиграл этот вид, подарив себе победу к 35-летию! Второе время у младшего сержанта А. Ортикова и третьим стал майор У. Абдурахмонов (ЧВТКИУ).

В кроссе на 3000 метров сильнейшим стал курсант ЧВТКИУ Азим Тураев (10. 12), второе время у рядового Фарруха Рустамова (10.14) и третье у младшего сержанта Ж. Тариева из Ташкентского военного округа (10.15).

Надо было видеть, как сражались за победу спортсмены ЧВТКИУ! Например, подполковник Евгений Мишутин, потянувший назад команду на ОКУ, из последних сил набегал на финиш. Но соперники тоже не дремали. Ведь солдат срочной службы показал, что элитные подразделения уступать не будут. В итоге кроссмены ЧВТКИУ набрали 4850 очков, у команды майора А. Абдураззакова 4793 очка, а третий результат с суммой 3866 очков показала команда майора Ф. Нажмиддинова.

Одним словом, с перевесом всего в 37 очков победу праздновали многоборцы команды майора А. Абдураззакова. Второе место у ЧВТКИУ, а третье у СВВАКИУ.

В личном зачете трио сильнейших по возрастным категориям выглядит так: майор Т. Тожиев, курсант Г. Бобоназаров, лейтенант О. Касымов (первая возрастная группа); рядовой по контракту Д. Тян, младший сержант К. Абдурахимов, подполковник Г. Курбанов (вторая возрастная группа); младший сержант А. Ортиков, майор У. Абдурахмонов, младший сержант Ш. Меликов.

Остается добавить, что 5 спортсменов выполнили норму мастера спорта, столько же набрали сумму кандидатов в мастера спорта. Например, лейтенант Ойбек Касымов радовался мастерской норме даже больше бронзовой медали. Есть новый стимул для роста!

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото автора.



МАДАНИЯТ

ТЎГАРАК ВА КУРСЛАРГА МАРҲАМАТ!

Ҳарбий хизматчиларнинг хизмат ва яшаш шарт-шароитларини янада яхшилаш, уларга турли имтиёз ва қулайликлар яратиш борасида давлатимиз, Мудофаа вазирлиги раҳбарияти томонидан салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Табиийки, юрт посбонларининг оила аъзолари, хусусан, фарзандлари ҳам бундайин юксак эътибордан четда қолаётгани йўқ. Масалан, ёз мавсумида фаолият кўрсатувчи соғломлаштириш оромгоҳлари ўғил-қизларнинг ёзги таътилларини мазмунли ва мароқли ўтказишларига хизмат қилянти. Округ ва гарнизон офицерлар уйи ҳузурида ташкил этилган турли тўгарак ва курслар эса ёпларимизнинг қизиқиш ва иқтидорларидан келиб чиққан ҳолда севимли машғулотлари билан шуғулланиш, интеллектуал салоҳиятларини юксалтириш ва билим доирасини кенгайтириш, қобилиятларини ривожлантириш, ҳунар ўрганиш ва бўш вақтларини самарали ўтказишга ёрдам берянти.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги Марказий офицерлар саройидаги ҳар хил тўгарак ва курслар, студияларнинг фаолиятида ҳам юқоридаги мақсадлар кўзланган. Қолаверса, уларда ҳарбий хизматчилар фарзандларининг ўқиши ва билим олиши, ҳунар ўрганиши имтиёзли равишда амалга оширилади.

Марказий офицерлар саройи ўғил-қизларни қуйидаги йўналишлар бўйича ўқишга таклиф этади:

БИЧИШ-ТИКИШ КУРСИ

Ўқиш давомида ўқувчиларга:
– либосларни моделлаштириш ва дизайнлаш;
– турли либослар тикиш;
– қўл ишлари ва аксессуарлар билан ишлаш;
– машинада кашта тикиш;
– бисер ва тошлар билан либосларни безаш;
– юмшоқ ўйинчоқларни тикиш ва тайёрлаш;
– гуллар ясаш ва безаш;
– газламаларга ишлов бериш ва мослаб модел танлаш (чойшаблар, элита пардалари) ўргатилади.

Ўқиш муддати 3-4 йил. Ҳафтада 3 соатдан 2 марта.

Шунингдек, қисқа муддатли курслар ҳам мавжуд:
– элита пардалари – 3 ойлик (бичиш-тикиш амалиёти билан);
– эркаклар устки кийими – 3 ойлик (костюм, шим);
– келин либослари – 3 ойлик (мунчоқ, марварид, тошлар, гуллар билан безатиш, корсет тикиш технологияси);
– ёш бекалар – 2 ойлик (миллий, уйғур, европа таомлари, турли хил салатлар, пишириқлар ва тортларни безаш).

Мурожаат учун телефон: +99 (871) 233-21-20.

КОСМЕТОЛОГИЯ

Курс дастурида:
– юзни косметик массаж қилиш;
– муолажа массажи;
– юз терисини парваришлашда ишлатиладиган воситалар (крем, ниқоб, лосьонлар).

Ўқиш муддати 2 ой. Ҳафтада 2 марта 2 соатдан.

Ўқишни тамомлаган ўқувчиларга сертификат берилади.

Мурожаат учун телефон: +99 (897) 341-47-75.

КОМПЬЮТЕР САВОДХОНЛИГИ

Қуйидаги йўналишлар бўйича ўқишга таклиф қилади:
– компьютерда ва операцион системада ишлаш.
– Microsoft Office, Word, Excel.

Ўқув курси – 1 ой. Ўқиш ҳафтада 3 марта.

Мурожаат учун телефонлар: +99(871) 233-46-18.

ИНГЛИЗ ТИЛИ

Инглиз тилини ўрганиш курси қуйидаги даражаларга эга:
– ўрта;
– мукаммаллашган;
– инглиз тили клуби – сўзлашув ва сўз бойлигини ривожлантириб бориш.

Гуруҳ 8 та ўқувчидан иборат.

Ўқишни тамомлаган ўқувчиларга сертификат берилади.

Мурожаат учун телефон: +99 (871) 233-69-80.

ШАХМАТ

Тўгаракка қатнашувчилар ёши чегараланмаган.

Ўқиш ҳафтада 2 марта ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: +99(871) 233-69-80.

ЗАМОНАВИЙ РАҚС СТУДИЯСИ

– хореография;
– замонавий рақс;
– араб рақси.

Мурожаат учун телефон: +99 (871) 233-69-80.

«РОДНИК» СПОРТ РАҚС ТЎГАРАГИ

Ўқитиш дастурида:
– хореография;
– Европа ва Лотин Америкаси рақслари;
– балл рақслари.

Машғулотлар ҳар куни ўтказилади. (Ўқувчилар ёши чегараланмаган).

Мурожаат учун телефонлар: +99(871) 235-79-46, 188-79-46.

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР МАРКАЗИЙ АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИ ҲУЗУРИДАГИ «ҚИЗАЛОҚ» БОЛАЛАР МИЛЛИЙ РАҚС СТУДИЯСИ

Бадиий раҳбар – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Қорақалпоғистон халқ артисти Зиёда Мадраҳимова.

4 ёшдан 14 ёшгача бўлган қизлар қабул қилинади.

Мурожаат учун телефон: +99 (871) 233-80-29.

«ДУТОР САДОЛАРИ»

– Дутор чалишни ўрганиш.

Ҳафтада 2 марта.

Мурожаат учун телефонлар: +99 (871) 233-69-80.

«АКТЁРЛИК МАҲОРАТИ»

Курсда актёрлик касбига оид билимларга эга бўласиз, шунингдек, саҳна нутқи, пластика дарслари ҳам ўтилади.

Курсга кастинг (танлов) асосида 12 ёшдан 16 ёшгача бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати 6 ой, ҳафтада 2 марта.

Курсни муваффақиятли тугатган тингловчиларга диплом берилади.

Мурожаат учун телефон: +99 (871) 233-69-80.

«ЁШ РАССОМЛАР»

– графика ҳамда рассомчилик.

Мурожаат учун телефонлар: +99 (871) 233-69-80, 772-29-88.



Обуна–2010

«ВАТАНПАРВАР» — БАРЧАМИЗНИНГ СЕВИМЛИ ГАЗЕТАМИЗ

Мудофаа вазирлиги қисм ва муассасаларида 2010 йил учун газета ва журналларга, шу жумладан, «Ватанпарвар» газетасига жамоавий ва якка тартибда обуна бошланди.

Ижтимоий-сиёсий, ахборот-таҳлилий газета ҳисобланган «Ватанпарвар» ҳафталиги республикамиздаги ягона ҳарбий нашр бўлиб, унинг саҳифалари орқали сиз мамлакатимиз ва жаҳонда рўй бераётган турфа янгилик ва ҳодисалар, миллий истиқлол мафкураси ва ғоясига асосланган долзарб мавзулар, ёшлар масалалари, оила ва маиший ҳаётга оид ибратли воқеалар, одоб-ахлоқ ва буюк аждодларимизнинг бетакрор маънавий-маърифий мерослари, қадриятлари, юртимизда, Қуролли Кучларимизда кечаётган изчил ислоҳотлар, фан, маданият ва спорт борасидаги туркум мақолалардан баҳраманд бўласиз.

Обуна кампаниясини ўтказиш даврида барча даражадаги командирлар, муассасалар бошлиқлари, тарбиявий ишлар органлари офицерлари жойларда ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчилар ўртасида «Ватанпарвар» газетасининг шахсий таркибни ахборот билан таъминлаш, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, мамлакатимиз ёшларида юксак маънавий, ахлоқий сифатларни, ватанпарварлик туйғусини шакллантиришдаги аҳамияти борасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориши мақсадга мувофиқ.

Жамоавий ва якка тартибдаги обуна масаласини ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчилар кенгашларида, муддатли ҳарбий хизматчилар шахсий таркибининг йиғилишларида кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳарбий округлар қўшинлари қўмондонлари, уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, мудофаа ишлари бошқармалари (бўлимлари) бошлиқлари чақирилувчиларнинг ота-оналари, яқинлари, хизматни ўтаётган ва сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилаётган фуқаролар ўртасида ҳам «Ватанпарвар» газетасини кенг тарғиб қилиши тавсия этилади.

«Ватанпарвар» газетасига обунани яқин масофада жойлашган почта бўлимларида 6 ойдан кам бўлмаган муддатга нақд пулсиз ҳисоб-китоб орқали расмийлаштириш лозим.

Обуна кампаниясини белгиланган муддатлар ичида ўтказиш ва уни жорий йилнинг 20 декабригача якунлаш тавсия қилинади.

«Ватанпарвар»даги турфа ранглар камалак жилосидек кўзингизни қувонтирса, ранг-баранг мавзулар, мақолалар қалбингизни нурафшон этади.

Нашр кўрсаткичи — 114.



ВАТАНПАРВАР

Муассис – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги | Учредитель – Министерство обороны Республики Узбекистан

МУАССИС КЕНГАШИ: Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ – кенгаш раиси, Рустам НОДИРОВ, Олим ҚЎЧҚОРОВ, Алишер МУИНОВ, Нурмуҳаммад МУЛЛАБОЕВ, Шуҳрат ТЎХТАЕВ, Абдусаттор ЭРГАШЕВ, Қурбон АМИНЖОНОВ, Олимжон ЗАНЖИРОВ.

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи подполковник А. САФАРОВ.

Шу сонга масъуллар: майор А. КАМОЛОВ, капитан Т. ЖУМАНАЗАРОВ.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган. ISSN 2010-5541.

Телефонлар: навбатчи – 260 39 57; Факс: 260 39 45.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳрир қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100140, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 1-уй.

«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Р. Исламов ва З. Хошимов томонидан саҳифаланди.

Газета жума куни чиқади. Адади 25250.

Нашр кўрсаткичи 114. Буюртма № J-81-45.